# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

# АХБОРОТНОМАСИ

**№2(8)**
**2004**

ТОШКЕНТ — 2004

# Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси АХБОРОТНОМАСИ

2004 № 2 (8)

*1999 йилдан чиқа бошлаган*

**МУАССИС — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус тилларида босилади**



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ**

**Бўритош МУСТАФАЕВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Ҳабибулла АВЕЗОВ

Комилжон АДИЛОВ

Ҳасан БЎРИЕВ

Иван КЕЛЕШ

Ойбек СОАТОВ

Жанабай САДИКОВ

Бобоқул ТОШЕВ

Сайёра ХОДЖАЕВА

Темур ШИРИНОВ

Комилжон ЮСУПОВ

Садикжон КАСИМОВ

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ

**БОШ МУҲАРРИР**

**Низомиддин НУРМАТОВ**



**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 1.
Телефон: 139-43-91

Босишга рухсат этилди 2004.23.11. Бичими 60×84$^1/_8$. Офсет босма. Шартли б.т. 26,97. Адади 1000 нусха. Буюртма № 164.
«ARNAPRINT» масъулияти чекланган жамиятида саҳифаланиб чоп этилди. 700182, Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51.


# МУНДАРИЖА


3

**Б. Мустафаев.** Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари

8

**О. Соатов.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш масалалари ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби

**РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

12

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни

18

**«Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари билан ишлаш бўйича тадбирлар режаси тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

20

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А.Носировнинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

21

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

37

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

100

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида» ги** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

127

Хабарлар

**Б. МУСТАФАЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси*

# ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси, 3-бандида «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак», деган қоида бор. Шу ўринда, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида юзага келган сайлов қонунлари юқоридаги қоидага уйғун тарзда яратилганлигини эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунлардан иборат. Бу қонунлар жумласига: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар киради. Уларда демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлиб, бу энг аввало, сайловчилар ҳуқуқларини кафолатланишида ва сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишида, сайлов комиссияларини шакллантириш тартиби ва уларнинг таркибига бирон бир партияга мансуб шахсларни киритмаслик қоидаларининг ўрнатилганлигида кўзга ташланади.

Ҳар қандай жамиятда демократик сайловлар тараққиётга янги куч берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда янгича — икки палатали парламентга сайловларни ўтказилиши ўзига хос даврга тўғри келмоқда. Бугун юртимизда тубдан янгича, мустақил ўзбек давлатчилиги пайдо бўлган ва ривожланмоқда, асосий эътибор халқ фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга қаратилган, эркин фуқаролик жамияти яратилаётир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва унинг мазмун моҳиятини очиб беришдан олдин, сайлов нима деган саволга тушунча бериб ўтиш керак, деб ўйлайман. «Сайлов» тушунчаси бирон-бир органни (давлат, жамоат, халқаро ва ҳоказолар) овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. «Сайлов ҳуқуқи» тушунчасига келсак, у муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

«Сайлов ҳуқуқи» тушунчаси икки — фаол ва пассив сайлов ҳуқуқига бўлинади. Фуқаронинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда қатнашиш ҳуқуқи унинг фаол сайлов ҳуқуқи ҳисобланади, сайлаб қўйиладиган органлар таркибига фуқаронинг сайланишга бўлган ҳуқуқи эса унинг пассив сайлов ҳуқуқидир.

Фаол сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутади. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқи номзоднинг сайловчилар томонидан эътироф этиладиган керакли касбий ва ақлий фазилатлари билан боғлиқ бўлиб, фуқарога ҳокимият вакиллик органлари бошқарувида фаолият олиб бориш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, яъни ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

**Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.**

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.**

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари — умумий, тенг, тўғридан тўғри ва яширин овоз бериш каби тамойиллардан иборат.

**Умумий сайлов ҳуқуқи** Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга кирган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эгалигида, сайловчилар рўйхатига, сайлов участкаси ҳудудида сайловчилар рўйхати тузилаётган пайтда муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилишида, ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкинлигида, барча фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинганлигида номаён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланган.

**Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилининг** маъноси шуки, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бир овоз бериш ҳуқуқига эга, бундан ташқари, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади — аёллар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга, ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон бир афзалликка эга эмас, яъни фуқароларнинг келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқий ва миллий мансублигидан, маълумотидан, динга муносабатидан,

машғулотларининг туридан қатъи назар ҳеч бир чеклашларга йўл қўйилмаслиги тенг сайлов ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди.

Сайловчилар ўз хоҳиш иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар.

**Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи** ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродаларини билдиришларига четдан таъсир кўрсатиш ва уларни назорат этишга йўл қўйилмайди. Сайловчилар номзодларга сайлов вақтида бевосита ижобий ёки қарши овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар ўтказиш сайловчиларнинг уларда ихтиёрий тарзда қатнашишига асосланган. Ҳеч ким фуқароларни сайловда қатнашишга мажбур қилолмайди.

**Яширин овоз бериш тамойили.** Бу тамойил сайловчилар ўз иродасини билдиришлари устидан назорат қилишга йўл қўйилмаслигини назарда тутади. Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилган. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайловчилар ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сайловчининг овоз бериш кафолатлари. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун сайлов қутилари ўрнатилган, кабиналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари тайёр бўлиши шарт. Овоз бериш 26 декабрь, якшанба куни 6 дан 20 гача ўтказилади. Сайлов бюллетени овоз берувчи

томонидан яширин овоз бериш кабинасида мустақил равишда тўлдирилади. Кабинага кириб, яширин овоз бераётган пайтда четдан сайловчига ҳеч ким таъсир ўтказиши мумкин эмас.

Овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Буни тегишли сайлов комиссияси амалга оширади.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилганидан кейин сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичи — сайловолди ташвиқоти даври бошланади.

Сиёсий партиялардан ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар сайлов олди ташвиқоти даврида номзодлари кўрсатилган округда сайловчилар билан учрашадилар ва улар олдида сўзга чиқадилар. Номзодларнинг бирига сайловчилар билан учрашув уюштириб берилса, мазкур округдан номзоди кўрсатилган бошқа депутатликка номзодлар учун ҳам худди шундай имконият яратиб берилиши керак. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларида, радиода, газетада чиқиш тенг имкониятлари берилади. Бу тўғрида Марказий сайлов комиссияси махсус низом қабул қилган.

Учрашувлар ўтказиш вақтида Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, уларнинг ишончли вакилларига тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиш лозим. Аввалги сайловларда бўлгани каби улар турли илтимосларни бажаришга, кўприк, мактаб қуриб беришга ваъда бериб ёки ҳар хил товарлар улашиш, тарқатишдек нопок йўллар билан сайловчининг овозини сотиб олишга уринишлар демократик тамойилларга асосан, ўтказилаётган сайловнинг обрўйини тўкади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда номзодларга ишончли вакиллар ёрдам берадилар. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод беш нафаргача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар уларни округ сайлов комиссияси рўйхатга олгандан кейингина ўз ишларига киришадилар.

Ишончли вакил депутатликка номзод қайси сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган бўлса, фақат ўша округдагина унинг, сайланиши учун ташвиқот олиб бориши мумкин. Ишончли вакил барча даражалардаги сайлов комиссияларида, давлат органларида ва жамоат бирлашмаларида депутатликка номзоднинг манфаатларини ифода этишга ҳақлидир.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказаётганда ишончли вакил, қоида тариқасида, депутатликка номзоднинг қисқача таржимаи ҳолини баён этади, унинг ҳаётий йўли ҳақида гапириб беради, уни депутатликка сайлаш учун ташвиқот қилади.

Сайлов кампаниясининг кенг ошкоралигини таъминлаш сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг муҳим талабларидан биридир. Сайлов кампаниясига доир жами ахборот фуқароларимизнинг эътиборига ўз вақтида етказилиши керак. Қонуннинг

ҳар бир талаби сўзсиз бажарилиши шарт ва зарурий маълумотлар ўз вақтида эълон қилиниши лозим.

Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахслар сайловолди тадбирлари ўтказиш даврида ишлаб чиқаришдаги вазифалардан озод қилинадилар. Шу билан бирга уларга сайловни ўтказишга ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг тегишли сайлов округи доирасида транспортда текин юриш ҳуқуқи муҳим кафолатлардан биридир.

Қонун ҳужжатларида депутатликка номзоднинг уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи олдидаги масъулияти ҳам назарда тутилган. Депутатликка номзод ғайриқонуний ҳаракат қилса ёки уни номзод қилиб кўрсатган органнинг обрўйига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этса, сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи уни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиши мумкин.

Шу билан биргаликда депутатликка номзод этиб кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сайловга қадар исталган пайтда ўз номзодини олиб ташлашга ҳақли.

Сайлов тўғрисидаги қонунлар сайлов ҳужжатларини қалбакилаштирганлик, овозларни атайин нотўғри ҳисоблаганлик, овоз бериш яширинлигини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутади. Депутатликка номзодлар ҳақида ёлғон маълумотларни босиб чиқарган ёки бошқача усулда тарқатган шахслар жавобгарликка тортилади.

Сайлов натижасида, республиканинг янги парламентига унинг палаталарида самарали ишлай оладиган, масалаларни ҳал этишга ҳақиқий давлат арбобидек ёндаша биладиган, одобли, юксак маданиятли, билимли, ҳаёт муаммолари ва халқ ташвишларидан хабардор бўлган муносиб юртдошларимиз келишлари керак.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мамлакатимизда миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкамланиши ва демократик анъаналарнинг ривожланиши даври бўлди. Бу давр мобайнида фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишининг ҳуқуқий негизлари ва механизимлари мунтазам такомиллаштириб борилди. Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгармоқда. Яъни, сайлов қонунчилигида халқаро андозалар тўла ўз аксини топди ва ниҳоят, сайловлар демократиянинг юраги, ўзаги, томири бўлиб қолди.

**О. СОАТОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Марказий*
*сайлов комиссияси котиби*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ҲАМДА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилнинг 18 сентябрида қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметаси тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 октябрдаги 602ф-сонли фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш учун 3 млрд. 390 млн. сўм ажратилди. Жумладан, ҳар бир округ сайлов комиссияси учун 3 млн. 976700 сўм. Жами 120 та округ сайлов комиссияси учун 477млн. 204 минг сўм ажратилди. Ҳар бир сайлов участкаси учун эса ўртача 228900 сўм. Жами бўлиб 7980 сайлов участкаси учун 1 млрд. 826 млн. 378 минг сўм ажратилди.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш учун 430 млн. 500 минг сўм ажратилди.

Сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига мазкур партиядан кўрсатилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

— сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

— сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Марказий сайлов комиссияси Молия, Адлия вазирликлари ва Марказий банки билан келишилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» Йўриқнома ишлаб чиқди. Ушбу йўриқномага, асосан, сайлов кампаниясини ўтказиш даврида молиялаштириш марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан, округ ва участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов билан боғлиқ харажатлари — округ сайлов комиссиялари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда амалга оширилади: Марказий сайлов комиссиясининг марказлаштирилган харажатларига, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга; Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатларига бўлинади.

Сайлов учун маблағларни қўйиш ва сарфлашга тегишли хизмат кўрсатадиган банкларда Марказий сайлов комиссиясига, сиёсий партияларга, мазкур партиядан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда; Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат бюджети даромадлари ва харажатлари учун махсус ҳисоб рақамлари очилади.

Олий Мажлисга сайлов кампаниясини молиялаштириш учун сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар Марказий сайлов комиссиясининг махсус ҳисоб рақамига ёзиб қўйилади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган мақсадларга сарф этилади.

Харажатларнинг ҳақини тўлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари бухгалтерияларига хизмат кўрсатадиган банкларга ҳудудлардаги тегишли округ сайлов комиссиясининг қарори асосида округ сайлов комиссияси раиси (биринчи имзо) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бош бухгалтери (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов топшириқлари

тақдим этилади. Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимликларга хизмат кўрсатадиган банкларга белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг имзолари намуналари ҳамда Марказий сайлов комиссиясини округ сайлов комиссия шахсий таркиби бўйича қарорининг нусхаси тақдим этилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган округ сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртача иш ҳақи тўлаш округ сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосининг асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан ўртача иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

Сайлов давомида фойдаланилмаган маблағлар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг беш кунлик муддатда Марказий сайлов комиссиясининг марказлаштирилган харажатлари, шу жумладан, сиёсий партияларнинг фойдаланилмаган маблағларининг қолдиқлари бўйича – Марказий сайлов комиссияси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар тегишли ҳокимликлари бухгалтериялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

Сиёсий партиялар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч кунлик муддатда фойданилмаган маблағларни Марказий сайлов комиссиясининг ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Агар сайлов натижаларига кўра сиёсий партия фракция тузиш учун зарур депутатлик ўринлар сонини ололмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга ажратилган маблағларни сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссиясига қайтариб бериши керак, Марказий сайлов комиссияси эса бир банк куни мобайнида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак.

Сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг тегишли параграфига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг:

— Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар ва сиёсий партияларнинг сайлов борасидаги харажатлари бўйича 30 кундан кечиктирмасдан;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бухгалтериялари томонидан тегишли ҳудуддаги ҳар бир округ сайлов комиссиялари бўйича жамлама ҳисобот Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига 25 кундан кечиктирмасдан;

— сиёсий партиялар томонидан сайлов билан боғлиқ харажатларга ажратилган маблағлар бўйича – Марказий сайлов комиссиясига 20 кундан кечиктирмасдан тақдим қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг 30 кундан кечиктирмасдан жамлама ҳисоботни Молия вазирлигига юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича харажатлар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли бухгалтериялари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош тафтиш-назорат бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар. Тегишли сайлов комиссияларининг раислари маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдир.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, энди округ ва унга қарашли участка сайлов комиссияларига ажратиладиган давлат маблағлари бевосита округ сайлов комиссияси ихтиёрида бўлади ва айнан округ сайлов комиссиясининг раиси давлат маблағларидан тўғри фойдаланганлиги учун шахсан жавоб беради. Шунинг учун Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» Йўриқномасини ҳар бир округ сайлов комиссиясининг раиси ўрганиб чиқиши керак ва унда белгиланган қоидаларга оғишмай амал қилиши лозим.

## Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., № 5–6, 95-модда; 1999 й., № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 й., № 5-6, 153-модда, 2004 й., № 9, 171-модда)*

1-модда. **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларига амал қилади.

2-модда. **Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари**

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

3-модда. **Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссиянинг мажлисида сайланадилар.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тугатилиши мумкин.

4-модда. **Марказий сайлов комиссиясига аъзолик**

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси де-

путатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳининг аъзоси этиб рўйхатга олинган Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

— у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

— у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

— унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

— у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

Марказий сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига биноан унда доимий асосда ишлаши мумкин.

5-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

— сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

— сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

— округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

— сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

— округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун-

ларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

— чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

— сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

— сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

— тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул килади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

— сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

— сайловнинг ва референдумнинг якунини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этади;

— сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатнинг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек, уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

— сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

— сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатига ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

— сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

— сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

— Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

— қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. **Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

— Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

— Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссиянинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

— Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;

— давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Марказий сайлов комиссияси номидан иш кўради;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, референдум якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;

— тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

— ушбу қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек, Раис бўлмаганида, Раиснинг вазифалари Раис ўринбосарига ёки Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юкланади.

7-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари**

Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий кўриниши унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8-модда. **Марказий сайлов комиссияси мажлисининг баённомаси**

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

9-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари**

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, бу қарорлар Раис томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилиниши лозим.

10-модда. **Марказий сайлов комиссияси қарорларининг мажбурийлиги**

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

11-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Марказий сайлов комиссияси сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, улар масалани кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт.

12-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан шикоят бериш**

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса – дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

13-модда. **Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти**

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун унинг Котибияти тузилади.

Котибият ишига Марказий сайлов комиссиясининг котиби раҳбарлик қилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва унинг иш тартибини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси тасдиқлайди.

14-м о д д а. **Марказий сайлов комиссиясининг регламенти**

Марказий сайлов комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби унинг Регламентида белгиланади.

15-м о д д а. **Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш**

Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш пайтида назарда тутилади.

16-м о д д а. **Марказий сайлов комиссиясининг муҳри**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси юридик шахс ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*1998 йил 30 апрель.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг**
**ҚАРОРИ**

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КУЗАТУВЧИЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, асосан, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари билан ишлаш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин (илова қилинади).
2. Ушбу тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Ходжаева зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг**
**Раиси** **Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 28 август.*
*№ 194*

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 28 августдаги
194-сонли қарорига илова

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КУЗАТУВЧИЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Тадбирнинг номланиши | Масъуллар | Муддати | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Халқаро кузатувчилар билан ишлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш | Мустафаев Б. М | август | Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда |
| 2. | Аккредитация учун халқаро кузатувчилар рўйхатини тузиш | Норов В. И. | октябрь—декабрь | Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда |
| 3. | Ташриф буюрувчи халқаро кузатувчилар рўйхатини тузиш ҳамда вазирликлар ва идоралар вакилларини уларга бириктириб қўйиш | Ходжаева С. А.<br>Абдуғаниев А. | ноябрь—декабрь | Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 4. | Халқаро кузатувчилар ташриф буюрадиган сайлов округлари ва участкаларининг рўйхатини тузиш | Ходжаева С. А.<br>Соатов О. А. | ноябрь—декабрь | Марказий сайлов комиссияси |
| 5. | Халқаро кузатувчиларга мандат топшириш | Мустафаев Б.М. | Ташриф буюрганидан сўнг 5 кун ичида | Марказий сайлов комиссияси |
| 6. | Оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистонга ташриф буюрган халқаро кузатувчилар тўғрисида маълумотлар бериб бориш ва сайловда кузатувчилар фаолиятини ёритиш | Нурматов Н.<br>Ғуломов А. | Сайлов кампанияси жараёнида | Марказий сайлов комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизматлари, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг халқаро кузатувчилар билан учрашувини ташкил қилиш | Ходжаева С. А.<br>Норов В. И. | октябрь—декабрь | Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 8. | Халқаро кузатувчиларнинг вилоятларга чиқишини ва сайлов жараёнини кузатиб боришларини округ комиссиялари билан биргаликда ташкил қилиш | Ходжаева С. А.<br>Соатов О. А. | алоҳида режага асосан | Марказий сайлов комиссияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси, халқаро кузатувчилар бириктирилган ташкилотлар, округ сайлов комиссиялари |
| 9. | Халқаро кузатувчилар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига тегишли ахборот бериб борилишини таъминлаш | Нурматов Н.<br>Ғуломов А. | октябрь—декабрь | Марказий сайлов комиссияси ишчи гуруҳи ва Ташқи ишлар вазирлиги |
| 10. | Хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий кузатувчилар билан матбуот конференциясини ўтказиш | Ходжаева С.А.<br>Қудратхўжаев Ш.<br>Нурматов Н.<br>Ғуломов А. | 22 октябрь, 23 ноябрь, 2005 й 4 январь | Марказий сайлов комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматлари |
| 11. | Марказий сайлов комиссияси томонидан халқаро кузатувчиларга қабул маросимини Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйида ташкил қилиш | Ходжаева С.<br>Норов В.И. | 2004 йил 27 декабрь | Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг**
**Қ А Р О Р И**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТИ А. НОСИРОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси биринчи бандига асосан, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

104-Сиёб сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Азиз Носировнинг депутатлик ваколати ўз аризасига биноан муддатидан илгари тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

**Марказий сайлов комиссиясининг**
**Раиси** **Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 28 август.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
## ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2004 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни қонун ҳужжатларига, умумэътироф этилган халқаро норма ва андазаларга тўла мувофиқ ҳолда самарали тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда уларга ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2004 йилнинг 20 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг календарь режаси тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар нормаси ўртача 119,6 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов округлари тузилсин ҳамда уларнинг рўйхати округ чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда 2004 йилнинг 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тузилсин.

5. Белгилансинки, сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари:

2004 йилнинг 27 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2004 йилнинг 16 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2004 йилнинг 20 октябридан бошланади ва 2004 йилнинг 10 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш 2004 йилнинг 13 ноябрида тўхтатилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш 2004 йилнинг 20 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияларига 2004 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

7. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2004 йилнинг 19 декабрига қадар тақдим қиладилар;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларнинг ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайдилар;

2004 йилнинг 16 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этадилар.

8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланиши ва 2004 йилнинг 25 декабрида тугалланиши;

овоз бериш 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилиши қайд этилсин.

9. Белгилансинки, участка сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш якунларини аниқлашга киришади, участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 31 декабрига қадар белгиланган тартибда тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов якунлари тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинсин.

11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг**
**Раиси** **Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 15 сентябрь.*

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 15 сентябрдаги 197 -сон
қарорига илова

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар
## КАЛЕНДАРЬ РЕЖАСИ

### I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

| № т/р | Тадбирлар мазмуни | Ижро муддати | Ижро этувчилар |
|---|---|---|---|
| | **1. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш, сайлов округлари, участкалари, сайлов комиссиялари** | | |
| 1. | Сайлов кампанияси бошланганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш | 2004 йил18 сентябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 2. | Марказий сайлов комиссиясига (МСК) сайлов округларини тузиш юзасидан тақдимнома киритиш | 2004 йил 7 октябрдан кечиктирмасдан | Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Сайлов округларини тузиш ҳамда чегаралар ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатларини чоп этиш | 2004 йил 12 октябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 4. | Округ сайлов комиссияларини тузиш ва улар жойлашган манзиллар ҳақидаги маълумотларни чоп этиш | 2004 йил 17 октябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 5. | Округ сайлов комиссияларига сайлов участкаларини тузиш юзасидан тақдимномалар киритиш | 2004 йил 20 октябрдан кечиктирмасдан | Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари, ҳарбий қисмлар ва тузилмалар командирлари |
| 6. | Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов округларини тузиш юзасидан тақдимномалар киритиш | 2004 йил 22 октябрдан кечиктирмасдан | Ташқи ишлар вазирлиги |
| 7. | Сайлов участкаларини тузиш | 2004 йил 27 октябрдан кечиктирмасдан, истисно ҳолларда — ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин | Округ сайлов комиссиялари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | бўлган ҳудудларда - 2004 йил 20 декабрдан кечиктирмасдан | |
| 8. | Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш | 2004 йил 27 октябрдан кечиктирмасдан, истисно ҳолларда — 2004 йил 20 декабрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 9. | Участка сайлов комиссияларини тузиш | 2004 йил 16 ноябрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 10. | Маҳаллий матбуотда сайлов участкаларининг рўйхатларини, уларнинг рақамлари ва чегараларини (агар сайлов участкаси ўз ҳудудига аҳоли пунктининг бир қисмини олган бўлса) ёхуд аҳоли пунктларининг рўйхатини (агар сайлов участкаси бир неча аҳоли пунктлари ҳудудларида тузилган бўлса), участка сайлов комиссияларининг жойлашган манзиллари, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати ва телефонлар рақамларини кўрсатган ҳолда эълон қилиш | 2004 йил 20 ноябрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 11. | 2004 йил 27 октябрдан кейинроқ тузилган сайлов участкалари ҳақидаги ахборотни эълон қилиш | Участка сайлов комиссиясини шакллантириш тугалланганидан сўнг уч кундан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |

**2. Сайловчилар рўйхатлари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 12. | Участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудларда истиқомат қилувчи сайловчилар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш | Участка сайлов комиссиялари шакллантирилганидан кейин тез орада, лекин 2004 йил 5 декабрдан кечиктирмасдан | Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, ҳарбий қисмлар командирлари, сайловчилар вақтинча бўладиган ташкилотларнинг раҳбарлари |
| 13. | Бориш қийин бўлган ёки олис жойларда, ҳарбий қисмлар ҳудудларида, сайловчилар вақтинчалик бўладиган жойларда тузилган сайлов участкаларининг участка сайлов комиссияларига сайловчилар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш | Участка сайлов комиссиялари шакллантирилганидан кейин дарҳол | Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, ҳарбий қисмлар командирлари, сайловчилар вақтинча бўладиган ташкилотларнинг раҳбарлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 14. | Сайловчилар рўйхатларини тузиб чиқиш | 2004 йил 10 декабдан кечиктирмасдан | Участка сайлов комиссиялари |
| 15. | Бориш қийин бўлган ёки олис жойларда, ҳарбий қисмлар ҳудудларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатларини тузиб чиқиш | 2004 йил 10 декабрдан кечиктирмасдан, истисно ҳолларда — участка сайлов комиссияси шакллантирилган кундан кечиктирмасдан | Тегишли участка сайлов комиссиялари |
| 16. | Сайловчилар рўйхатлари билан танишиб чиқиладиган жой ва вақт ҳақида сайловчиларни хабардор қилиш | 2004 йил 10 декабрдан кечиктирмасдан | Участка сайлов комиссиялари |
| 17. | Ҳамманинг танишиб чиқиши учун сайловчилар рўйхатларини тақдим этиш | 2004 йил 11 декабрдан кечиктирмасдан | Участка сайлов комиссиялари |
| 18. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатларини тузиб чиқиш | 2004 йил 20 декабрдан кечиктирмасдан | Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий истиқомат қилувчи ёки узоқ муддатли сафарларда бўлиб турган сайловчилар томонидан 2004 йил 19 декабрдан кечиктирмасдан берилган ёзма мурожаатлар асосида тегишли участка сайлов комиссиялари |

**3. Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, кузатувчилар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 19. | Қонунчилик палатасига сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига юбориш тўғрисида Адлия вазирлигига сўровнома жўнатиш | 2004 йил 1 октябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 20. | Қонунчилик палатасига сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига юбориш | Сўровнома олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда | Адлия вазирлиги |
| 21. | Қонунчилик палатасига сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар иштирокини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги имзо варақалари бланкаларини бериш | Адлия вазирлигидан сиёсий партияларнинг рўйхатлари олинганидан сўнг кейинги кундан бошлаб | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 22. | Сиёсий партиялардан Қонунчилик палатасига сайловда қатнашиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш | 2004 йил 17 октябрга қадар | Марказий сайлов комиссияси |
| 23. | Партияни Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишга (сиёсий партиялардан аризаларнинг келиб тушиши навбати тартибида) рухсат бериш ҳақида узил-кесил қарор қабул қилиш | Сиёсий партия зарур ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг беш кунлик муддатдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 24. | Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи партияларнинг рўйхатларини эълон қилиш | Партияни Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишга рухсат бериш тўғрисида МСК қарори қабул қилинганидан сўнг кейинги куни | Марказий сайлов комиссияси |
| 25. | Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ваколатли вакилларининг гуруҳни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимослари битилган аризаларини қабул қилиш | 2004 йил 17 октябрга қадар | Округ сайлов комиссиялари |
| 26. | Сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёхуд рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш | Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили тегишли аризани тақдим этганидан сўнг беш кунлик муддатдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 27. | Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олиш гувоҳномасини ҳамда ташаббускор гуруҳ томонидан депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари бланкаларини бериш | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганидан кейинги кундан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 28. | Ўз кузатувчилари ҳақидаги аризаларни округ сайлов комиссияларига топшириш | 2004 йил 20 октябрдан бошлаб ва 11 декабрдан кечиктирмасдан | Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари |
| 29. | Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари аризаларини кўриб чиқиш ва МСК томонидан белгиланган намунадаги кузатувчи мандатини бериш | Ариза олинганидан сўнг беш кун мобайнида | Округ сайлов комиссиялари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 30. | Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан бўлган кузатувчиларга доир тақдимномаларни киритиш | 2004 йил 11 декабрдан кечиктирмасдан | Ташқи ишлар вазирлиги |
| 31. | Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаларини кўриб чиқиш, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан бўлган кузатувчилар юзасидан қарор қабул қилиш ҳамда уларга тегишли мандатлар бериш | Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномаси олинганидан сўнг беш кун мобайнида | Марказий сайлов комиссияси |

**4. Номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 32. | Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш | 2004 йил 20 октябрдан бошлаб ва 11 ноябрдан кечиктирмасдан | Сиёсий партиялар юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари |
| 33. | Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакилининг депутатликка номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимоси битилган аризасини тақдим этиш | 2004 йил 14 ноябрдан кечиктирмасдан | Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг ваколатли вакиллари |
| 34. | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилларига депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотномаларни бериш | Тегишли ҳужжатлар келиб тушган куни | Марказий сайлов комиссияси |
| 35. | Тақдим этилган ҳужжатларнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқлигини текшириш ва бу ҳақда хулоса бериш | Ҳужжатлар келиб тушган кундан эътиборан етти кун мобайнида, охирги муддат 2004 йил 18 ноябрь | Марказий сайлов комиссияси |
| 36. | Рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларига номувофиқликлар ва ундан четлашишлар ҳақида тегишли сиёсий партиялар раҳбарларини ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларини хабардор қилиш | Қарор қабул қилинганидан сўнг дарҳол | Марказий сайлов комиссияси |
| 37. | Номзодни рўйхатга олиш ёхуд уни рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш | 2004 йил 21 ноябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 38. | Рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш | МСК рўйхатга олганидан сўнг беш кун мобайнида | Округ сайлов комиссияси |

**5. Номзодларнинг мақоми**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 39. | Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг ишончли вакилларини тайинлаш | Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан сўнг кейинги кундан бошлаб | Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар |
| 40. | Номзоднинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш | Номзоднинг ёзма аризаси ва фуқаронинг ишончли вакил бўлишга розилиги тўғрисидаги аризаси келиб тушган кундан эътиборан уч кун давомида | Округ сайлов комиссияси |
| 41. | Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиш ҳуқуқини амалга ошириш | Сайловга қадар ҳар қандай вақтда | Депутатликка номзодлар |
| 42. | Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг шахсни номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқини амалга ошириш | 2004 йил 21 декабрдан кечиктирмасдан | Номзодни кўрсатган органнинг қарорига биноан сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари |

**6. Сайловчиларни хабардор қилиш ва сайловолди ташвиқоти**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 43. | Сиёсий партиянинг ўз сайловолди дастурини камида битта республика давлат даврий матбуот нашрида эълон қилиши | Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейинги кундан бошлаб ҳар куни | |
| 44. | Ташвиқот даври | Депутатликка номзод МСК томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан 2004 йил 26 декабрь соат 00.00 га қадар | Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар |
| 45. | Телерадиоэшиттириш ташкилотлари каналларида ва даврий матбуот нашрларида сайловолди ташвиқоти | Номзодлар рўйхатга олинган кундан эътибо- | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ран 2004 йил 26 декабрь соат 00.00 га қадар | |
| 46. | Эфир вақти ҳамда босма майдони ҳажми ва бошқа ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, ушбу маълумотларни рўйхатга олинган номзодларга эфир вақти, босма майдонини беришга тайёрлик ҳақидаги хабарнома билан бирга Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш | 2004 йил 20 ноябрдан кечиктирмасдан | Оммавий ахборот воситалари |
| 47. | Сиёсий партиялар ҳамда номзодларга бепул ва пуллик берилган эфир вақти, бепул ва пуллик берилган босма майдони ҳажмлари ҳамда қиймати ҳисобга олинган маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш | 2004 йил 25 декабрда ва 2004 йил 27 —31 декабрь кунлари | Телерадиоэшиттириш ташкилотлари ва даврий босма нашрлар муҳарририятлари |
| 48. | Номзодлар, сиёсий партияларга бепул ва пуллик эфир вақти, бепул ва пуллик босма майдони берилгани ҳақидаги ҳужжатларни сақлаш | Камида 2006 йилнинг 1 январига қадар | Оммавий ахборот воситаларини чиқаришни амалга оширувчи ташкилотлар |
| 49. | Тегишли телерадиоэшиттириш ташкилотларига, даврий босма нашрлар таҳририятларига эфир вақтидан, босма майдонидан фойдаланишни рад этиш тўғрисида хабар бериш | Сайловолди ташвиқот материали эфирга чиқадиган, эълон қилинадиган кундан камида беш кун олдин | Рўйхатга олинган номзодлар, сиёсий партиялар, рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари |
| 50. | Телерадиоэшиттириш ташкилоти, даврий босма нашр таҳририятига эфир вақти, босма майдони учун тўланадиган маблағлар тўлиқ миқдорда ўтказилгани ҳақидаги Марказий банк бўлинмалари белгиси қўйилган тўлов ҳужжати нусхаларини тақдим этиш | Эфир вақти, босма майдони берилгунига қадар | Рўйхатга олинган номзодлар, сиёсий партиялар, рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари |
| 51. | Эфирга чиқарилган сайловолди ташвиқоти акс этган теле- ва радио дастурларнинг видео- ва аудио ёзувларини сақлаш | Сайловнинг умумий натижалари расман эълон қилинган кундан эътиборан камида 12 ой | Телерадиоэшиттириш ташкилотлари |
| 52. | Рўйхатга олинган номзодлар ва улар ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун бино ажратиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш | Ариза берилган кундан эътиборан уч кун мобайнида | Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 53. | Митинглар, намойишлар ва юришлар ташкилотчиларининг хабарномаларини кўриб чиқиш | Хабарнома олинган кундан эътиборан камида ўн кунлик муддатда | Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари |
| 54. | Барча рўйхатга олинган номзодлар ёхуд уларнинг ишончли вакилларини ҳарбий хизматчилар сафида бўлган сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш | Ҳар бир учрашувдан камида уч кун олдин | Ҳарбий қисмлар командирлари округ сайлов комиссиялари билан биргаликда |
| 55. | Ҳар бир сайлов участкаси ҳудудида сайловолди босма ташвиқот материлларини жойлаштириш учун махсус жойлар ажратиш ва уларни жиҳозлаш | 2004 йил 26 ноябрдан кечиктирмасдан | Участка сайлов комиссиясининг таклифига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари |
| 56. | Округ ва участка сайлов комиссиялари биноларидаги стендларга рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги ахборотни жойлаштириш | 2004 йил 5 декабрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |

**7. Сайловни молиялаштириш**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 57. | Сайловни ўтказиш учун маблағларни тақсимлаш:<br>округ сайлов комиссияларига<br>участка сайлов комиссияларига | 2004 йил 25 октябрдан кечиктирмасдан<br>2004 йил 20 ноябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси<br>Округ сайлов комиссиялари |
| 58. | Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган давлат бюджети маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботларни округ сайлов комиссияларига тақдим этиш | 2005 йил 1 февралдан кечиктирмасдан* | Участка сайлов комиссиялари |
| 59. | Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган давлат бюджети маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисида МСК га ҳисобот бериш | 2005 йил 20 февралдан кечиктирмасдан* | Округ сайлов комиссиялари |
| 60. | Давлат бюджети маблағларининг сарфланиши тўғрисида ҳисобот, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролардан Марказий сайлов комиссиясига маблағларнинг келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш ва ОАВ га юбориш | Сайлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 61. | «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси» журналида давлат бюджети маблағларининг сарфланиши тўғрисида ҳисобот, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролардан Марказий сайлов комиссиясига маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сарфланиши ҳақидаги маълумотларни чоп этиш | Олий Мажлис палаталарига тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 62. | Сиёсий партиялар томонидан махсус сайлов ҳисоб рақамининг очилиши | Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун МСКга ҳужжатлар тақдим этилган кунга қадар | Сиёсий партияларнинг раҳбар органлари |
| 63. | Сиёсий партияларнинг махсус сайлов ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш | 2004 йил 1 декабрдан бошлаб бир ҳафтада камида бир марта | Марказий банк |

**8. Овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 64. | Сайлов бюллетенларини тайёрлаш, уларнинг сони устидан назорат қилиш тартибини тасдиқлаш | 2004 йил 30 октябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 65. | Сайлов бюллетенининг намунаси ва шаклини тасдиқлаш | 2004 йил 10 ноябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 66. | Сайлов бюллетени матнини МСК тасдиқлаган намунага мувофиқ тасдиқлаш | 2004 йил 15 декабрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 67. | Сайлов бюллетенларини тайёрлаш | 2004 йил 20 декабрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра матбаа ташкилотлари |
| 68. | Сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияларига етказиш | 2004 йил 23 декабрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 69. | Округ ва участка сайлов комиссияларида сақланаётган ишлатилмаган сайлов бюллетенларини бекор қилиш | 2004 йил 26 декабрь соат 20.00 дан кейин | Округ ва участка сайлов комиссиялари |
| 70. | Сайлов варақаси шакли, уни тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиш тартиби, сайлов варақалари сони, уларни бериш реестри шакли, шунингдек уларни тайёрлашга бўлган талабларни тасдиқлаш | 2004 йил 5 ноябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 71. | Участка сайлов комиссияларида сайловчиларга сайлов варақаларини тарқатиш | 2004 йил 16 декабрдан 25 декабргача | Участка сайлов комиссиялари |
| 72. | Сайловчиларни овоз бериш куни, вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш | 2004 йил 16 декабрдан кечиктирмасдан | Участка сайлов комиссиялари |
| 73. | Овоз беришни ўтказиш | 2004 йил 26 декабрда соат 6 дан 20.00 гача | Участка сайлов комиссиялари |
| 74. | Сайловчилар овозларини ҳисоблаш | Овоз бериш тугаши билан бошланади ва овоз бериш якунлари аниқлангунча танаффуссиз давом этади | Участка сайлов комиссиялари |
| 75. | Сайлов участкасидаги овоз бериш якунлари ҳақидаги баённоманинг имзоланиши | Якуний мажлис ўтказилганидан кейин | Участка сайлов комиссиялари |
| 76. | Округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш | 2004 йил 30 декабрдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссиялари |
| 77. | Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларини аниқлаш ва унинг якунлари бўйича қарор чиқариш | 2005 йил 3 январдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 78. | Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ва бу ҳақда уларни хабардор қилиш | Округ сайлов комиссияси баённомалари келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 79. | Сайлов натижалари тўғрисидаги умумий маълумотларни ОАВ га юбориш | Сайлов якунлари аниқлангандан кейин бир кун мобайнида | Марказий сайлов комиссияси |
| 80. | Сайлов натижаларининг расман эълон қилиниши | 2005 йил 5 январдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 81. | Агар округ бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган тақдирда қайта овоз беришни ўтказиш | 2004 йил 26 декабрдан кейин икки ҳафта мобайнида, аммо 2005 йил 9 январдан кечиктирмасдан | Округ сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 82. | «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ қайта сайлов ўтказиш | 2005 йил 26 январдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 83. | Марказий сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслардан уларнинг Қонунчилик палатаси депутати мақомига номувофиқ бўлган вазифаларни ўз зиммаларидан соқит қилганликлари ҳақидаги ёзма ахборотлари | 2005 йил 10 февралдан кечиктирмасдан | Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар |
| 84. | Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, узатиш ва йўқ қилиш | МСК томонидан белгиланган тартибга мувофиқ | Тегишли сайлов комиссиялари |

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби ҳақида низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2004 йил 1 октябрдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, мажлислар ўтказиш жадвалини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидан бўлган масъул шахсларни тасдиқлаш | 2005 йил 8 январдан кечиктирмасдан | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда |
| 3. | Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида Сенат аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисидаги қарорини «Халқ сўзи ва «Народное слово» газеталарида эълон қилиш | 2005 йил 10 январдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 4. | Сайлов бюллетени намунаси ва шакли, уни тайёрлаш ҳамда қўшма мажлислар ўтказиладиган жойга етказиш тартиби, сайлов бюллетенлари сони, уларни ҳисоблаш комиссияларига бериш реестри шаклини тасдиқлаш | 2005 йил 1 январдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларини ўтказиш | 2005 йил 14 январдан бошлаб 23 январгача | Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда |
| 6. | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомаларининг биринчи нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш | 2005 йил 25 январдан кечиктирмасдан | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида сайланган Сенат аъзоларини рўйхатга олиш | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомалари келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Сенат аъзоларини рўйхатга олиш | Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони олинганидан кейинги кундан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш якунларини эълон қилиш | Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси сўнгги баённомаси олинганидан кейинги 10 кун мобайнида | Марказий сайлов комиссияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10. | Сенат аъзоларининг қайта сайловини ўтказиш | Сенатга асосий сайлов ўтказилганидан кейинги ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда |
| 11. | Қайта сайлов ўтказиш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида сайланган Сенат аъзоларини рўйхатга олиш | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қайта сайлов ўтказилган жойлардаги қўшма мажлислари баённомалари келиб тушганидан сўнг беш кундан кечиктирмасдан | Марказий сайлов комиссияси |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қайта сайлов якунларини эълон қилиш | Қайта сайлов ўтказилган жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси сўнгги баённомаси олинганидан кейинги 10 кун мобайнида | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси |
| 13. | Сенат аъзолари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, узатиш ва йўқ қилиш | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг**
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ НИЗОМ ВА ЙЎРИҚНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 11, $23^1$, 55-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини ўтказиш билан боғлиқ Марказий сайлов комиссиясининг қуйидаги низом ва йўриқномалари тасдиқлансин (низом ва йўриқномалар илова қилинади):

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида Низом;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш ва ҳужжатларни сақлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Йўриқнома;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида Низом;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида Низом;
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари тўғрисида Йўриқнома;
7. Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан имзолар тўплаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисида Йўриқнома;
8. Кузатувчи қўлланмаси.

**Марказий сайлов комиссиясининг**
**Раиси** **Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 18 сентябрь.*

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВДА БОШҚА ДАВЛАТЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРДАН ҚАТНАШАДИГАН КУЗАТУВЧИЛАР ТЎҒРИСИДА**
**Н И З О М**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларига мувофиқ тайёрланган.

## I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар (бундан буён матнда хорижий кузатувчилар деб юритилади) қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Хорижий кузатувчиларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Хорижий кузатувчилар Ўзбекистон Республикасига кириш учун Ўзбекистонга киришни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан рухсат оладилар.

3. Хорижий кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

4. Хорижий кузатувчилар ўз фаолиятларини мустақил равишда амалга оширадилар. Уларнинг моддий-маиший таъминоти уларни вакил сифатида юборган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## II. Хорижий кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

5. Хорижий кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш таклифини Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги киритади. Таклифда кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, иш жойи, қайси давлат, халқаро ташкилот ва ҳаракат вакили эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тахминий жойи кўрсатилиши лозим.

6. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида Ўзбекистонга киришга рухсати бўлган хорижий кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади ва бу ҳақда қарор қабул қилинади.

7. Марказий сайлов комиссияси хорижий кузатувчиларга белгиланган намунадаги мандат беради (илова қилинади). Ушбу мандат хорижий кузатувчиларга сайловга

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга оширишлари учун асос бўлади.

### III. Хорижий кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолияти тартиби

8. Хорижий кузатувчиларнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорлари ва ушбу Низом билан тартибга солинади.

9. Хорижий кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишлари даврида Ўзбекистон Республикаси ҳимояси остида бўладилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари ўз ваколатлари доирасида хорижий кузатувчиларга ўз фаолиятларини амалга оширишларида кўмаклашадилар.

11. Хорижий кузатувчи Ўзбекистон Республикасининг барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида, унга Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандатни ва ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши лозим.

12. Хорижий кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

— сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

— овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

— сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

— агар сайлов участкасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

13. Хорижий кузатувчилар шунингдек:

сайлов комиссияси вакилларига, уларнинг ишларига аралашмаган ҳолда ўз кузатувлари ҳамда тавсиялари ҳақида ахборот бериш;

— овоз бериш вақти тугагач, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича ўз фикрини баён қилиш;

— сайлов ташкилотчиларига, давлат ҳокимияти органларига ҳамда тегишли мансабдор шахсларга сайловларни ўтказишни кузатиш натижалари бўйича ўз хулосаларини тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

14. Хорижий кузатувчилар:

ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларига амал қилишлари;

— ёнларида Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандат бўлиши ҳамда сайлов ташкилотчилари талабига мувофиқ уни кўрсатишлари;

— сайловлар устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажаришлари, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон-бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечишлари;

— сайлов жараёнига аралашмасликлари;

— ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва фактик материалга асослантиришлари лозим.

15. Хорижий кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

— сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

— сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

— участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

## IV. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шунингдек, хорижий кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик

16. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хорижий кузатувчилар мазкур Низомда белгиланган ваколатлар доирасидан чиқадиган тарздаги фаолиятни амалга оширишга, шунингдек, ўз мақомидан сайлов кампанияси боришини кузатиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланиши учун фойдаланишга ҳақли эмас.

17. Агар хорижий кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса Марказий сайлов комиссияси хорижий кузатувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги олдига унинг мамлакатда бўлишига оид масалани қўйиши мумкин.

18. Хорижий кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ИЛОВА

**ХОРИЖИЙ КУЗАТУВЧИ МАНДАТИНИНГ НАМУНАСИ ВА ТАВСИФИ**

**МАНДАТ №__________**

_______________________________________________
(фамилияси)

_______________________________________________
(исми)

_______________________________________________
(мамлакат, ташкилот)

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси**
**Раиси**

М.Ў.
____________________
(имзо)

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда
200__йил «____»_________гача ҳақиқийдир

200__йил «___»________
(берилган вақти)

Хорижий кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Мандат намунада реквизитлари келтирилган 135×90 мм. ўлчовли уч хил рангдаги намунавий бланкда расмийлаштирилади. Мандатда унинг тартиб рақами, хорижий кузатувчининг фамилияси, исми, уни вакил сифатида юборган мамлакат ва (ёки) ташкилот номи, мандатнинг муддати ва амалда бўлиш шарти, берилган вақти кўрсатилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг гербли думалоқ муҳри голограммаси билан мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг имзоси қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

# ЙЎРИҚНОМА

## I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида, сайловга камида олтмиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

3. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

4. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси округ сайлов комиссиясининг қарори билан қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари комиссия аъзоси ваколатларидан маҳрум этилади:

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда;

— комиссия аъзолигидан чиқаришни сўраб берган аризасига мувофиқ;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

— комиссия аъзосига нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

— комиссия аъзоси вафот этганда.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади. Ушбу идоранинг сайлов ҳужжатларига қўйилган асосий муҳри участка сайлов комиссиясининг муҳрига тенглаштирилади.

6. Участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади, сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади, аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади, овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди, сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

## II. Сайлов участкаларини жиҳозлаш

1. Сайлов участкалари лозим даражада жиҳозланган бўлиши керак. Туман, шаҳар ҳокимликлари участка комиссиялари аъзоларига самарали ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришлари, сайлов участкаларини алоқа воситалари (телефон алоқаси) билан таъминлашлари лозим.

Овоз бериш биноси пештоқига 4-иловага мувофиқ сайлов участкаси рақами кўрсатилган лавҳалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи («Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида) ўрнатилади. Сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида овоз бериш биносига киришгача, бинога келадиган йўналишларга кўрсаткич белгилар қўйилади (4-илова).

Сайлов участкаси жойлашган бино ичида ёки унинг олдида участка комиссияси томонидан махсус стенд жиҳозланади. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир маълумотлар жойлаштирилади. Хусусан, стендда рўйхатга олинган барча депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотлар илиб қўйилиши мумкин. Ушбу маълумотлар, қоида тариқасида, номзодларнинг таржимаи ҳолидан иборат бўлиб, уларда сайловолди ташвиқоти элементлари акс эттирилмаслиги керак.

2. Сайлов участкасида:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, Марказий сайлов комиссиясининг участка сайлов комиссиялари фаолиятига доир қарорлари, йўриқномалари, низомлар;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар, плакатлар;

— сайлов участкаси харитаси ва дислокацияси (жойлашуви);

— участка сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

— сайловчилар рўйхатлари (1-илова), сайловга 15 кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади;

— овоз бериш хоналари ёки кабиналари, сайлов қутилари;

— сайлов кунига қадар алоҳида жиҳозланган ва мутахассис билан таъминланган тиббий ёрдам хонаси бўлиши лозим.

## III. Участка сайлов комиссияси ишини ташкил этиш ва унинг ваколат муддати

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ участка сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

2. Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

3. Участка сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

4. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

5. Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлари ва жавоб қайтаришлари шарт.

6. Участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

## IV. Участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузиш

1. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

2. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди, уларнинг имзоси участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

3. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни беришлари лозим.

4. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

6. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади (алифбо бўйича, қишлоқма-қишлоқ, аҳоли пунктлари бўйича, оилама-оила, кўпқаватли уйлар бўйича ва ҳ.к.).

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилиши керак.

7. Участка сайлов комиссиясининг раиси ва котиби имзолаган сайловчилар рўйхатидан сайловчини чиқариш фақат фуқароларни рўйхатга олишни (ҳисобини олиб боришни) амалга оширувчи органларнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Сайловчилар рўйхатидан фуқаро чиқарилган сана ва бунинг сабаби сайловчилар рўйхатида («алоҳида белгилар» устунида) қайд этилади ва участка сайлов комиссияси раисининг имзоси билан тасдиқланади.

## V. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, яъни кечи билан 2004 йилнинг 11 декабрида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловчилар рўйхати сайловга етти кун қолганида, яъни кечи билан 19 декабрда танишиш учун тақдим этилиши лозим.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

2. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади. Рўйхат танишиш учун қулай ва яхши ёритилган жойда жойлаштирилиши лозим.

3. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида, сайлов куни эса дарҳол бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

4. Овоз бериш тугалланиб, овозларни санаш бошлангандан кейин сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш тақиқланади.

## VI. Сайлов варақаси билан муддатидан аввал овоз бериш

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиб сайлов варақасини (8-илова) талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Конвертни ёпиб клейланадиган жойига участка сайлов комиссиясининг икки аъзосини имзоси қўйилади ва ушбу имзолар комиссия муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссиясида муддатидан аввал овоз берган сайловчиларнинг ҳисоби юритилади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

2. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш ва уларни сайлов участкаларига етказиб бериш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайлов варақалари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов варақалари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

3. Сайловчига муддатидан олдин овоз бериш имконияти берилиши мумкин бўлган сабаблар қаторига қуйидагилар киради — меҳнат таътили, хизмат сафари, меҳнат ёки ўқув фаолиятининг тартиби (режими), давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, сайловчи соғлиғининг аҳволи. Бунда сайловчининг бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

4. Муддатидан аввал овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси сайловчига эркин ва яширин овоз бериш имкониятини яратиб бериши керак, сайловчининг хоҳиш-иродасига таъсир ўтказиш мумкин эмас.

5. Участка сайлов комиссияси сайлов варақалари сонининг ҳисобини олиб боради. Уларнинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юклатилади. Участка сайлов комиссиясига сайлов варақалари округ сайлов комиссияси томонидан сайловдан ўн беш кун олдин, тегишли реестрга асосан берилади. Муддатидан аввал овоз берган фуқаронинг сайловчилар рўйхатидаги фамилияси рўпарасига «Муддатидан илгари овоз берди» деган белги қўйилади.

6. Сайлов варақалари солинган конвертлар 2004 йил 26 декабрь куни овоз бериш тугаганидан кейин сайлов қутиларини очишдан аввал участка сайлов комиссияларининг аъзолари иштирокида сайлов қутиларига ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

## VII. Округ сайлов комиссияларидан сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиш ва уларни тасдиқлаш

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқ участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлиги реестрини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

2. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Бюллетенлар қабул қилиб олинганидан кейин уларнинг ҳар бирини ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади (2-илова). Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

## VIII. Овоз бериш

1. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар (7-илова) ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари (5-илова) қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади (6-илова). Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

2. Овоз бериш 2004 йил 26 декабрь куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи ҳақида оммавий ахборот воситалари, таклифномалар (3-илова), эълонлар ва шу кабилар орқали участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

3. Сайлов куни (26 декабрда) овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

4. Сайлов қутиларини муҳрлаш учун участка сайлов комиссиясининг металл муҳридан фойдаланиш даркор. Қутиларни муҳрлашда депутатликка номзодларни кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этишлари мумкин. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак (9-илова).

Агар кузатувчи участка сайлов комиссияси фаолиятига халақит берса, фуқаролар ўзларининг сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида бу жараёнга аралашса ёки яширин овоз бериш тартиб ва қоидаларини бузадиган бўлса участка сайлов комиссияси уни овоз бериш хонасидан чиқариб юборишга ҳақли. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси кузатувчини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишни сўраб тегишли органларга тақдимнома киритиши мумкин.

5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига (1.1-илова) имзо қўяди. Шундан кейингина унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга, асосан, сайловчилар рўйхати иловасига киритилади. Сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат деганда паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат тушунилади. Паспорт ўрнини босадиган ҳужжатлар қаторига, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси ва ички ишлар органлари томонидан бериладиган белгиланган нусхадаги маълумотнома киради.

6. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Кабиналар яхши ёритилган, иш столчалари билан жиҳозланган, ёзув ручкалари билан таъминланган бўлиши керак. Яширин овоз бериш учун кабиналар (хоналар) миқдори участкадаги сайловчиларнинг сонига қараб белгиланади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равиш-

да тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

7. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси камида икки комиссия аъзосига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз бериш фақат сайлов куни, фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки (жумладан, бошқа шахс ёрдамида етказилган) мурожаатномаси асосида ташкил этилади. Бундай мурожаатни фуқаро участка сайлов комиссияси ташкил этилганидан кейин хоҳлаган вақтда унга етказиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз беришда кузатувчилар иштирок этиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаатларига асосан овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида комиссияда муҳрланган кўчма сайлов қутиси (5-илова) ва фақат зарур миқдорда белгиланган шаклдаги сайлов бюллетенлари бўлиши керак. Тушган аризалар бўйича овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари бюллетенларни участка сайлов комиссияси раиси ёки котибидан имзо қўйиб оладилар. Участка сайлов комиссияси ихтиёридаги кўчма сайлов қутилари сони иккидан кўп бўлмаслиги лозим.

## IX. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

1. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ амалга оширилиши керак. Унга биноан овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади (бюллетень, варақанинг пастки чап бурчаги қирқиб ташланади ва бир тахламда боғланади).

2. Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш қатъиян тақиқланади.

3. Овозлар бунинг учун ажратилган махсус жойда саналади. Бунда овозларни санаб чиқишда иштирок этаётганларнинг барчаси сайлов комиссияси аъзоларининг ҳаракатларини кузатиб туриш имкониятига эга бўлишлари лозим. Овозларни санаб чиқишда участка сайлов комиссияси раиси ва котибидан бошқа комиссия аъзоларининг барчасига ёзиш ашёлари (ручка, фломастер, қалам)дан фойдаланиш ман

этилади. Овозларни санаб чиқиш сайлов натижалари аниқланмагунга қадар танаффуссиз давом эттирилиши лозим.

4. Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини (сайловчиларнинг рўйхати бўйича аниқланади), сайлов бюллетенлари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди (сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатида қайд этилган белгиларни санаш йўли билан аниқланади), ҳар бир депутатликка номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

5. Овозларни санашни ташкил этиш чоғида сайлов қутисидан олинган бюллетенлар, варақаларни ёйиб, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақаларни ажратиб олиш ва санаш, шундан сўнг овозларни санашга киришиш мақсадга мувофиқдир.

6. Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан участка сайлов комиссияси:

— овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

— ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

— ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Бюллетенда, варақада барча депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилган бўлса, у ҳақиқий деб ҳисобланади, бунда мазкур сайловчи ҳар бир депутатликка номзодга қарши овоз берганлиги эътиборга олинади.

Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек, овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетеннинг, варақанинг орқа томонига унинг ҳақиқий эмаслигининг сабаби ёзиб қўйилади. Ушбу ёзув 3 нафар участка сайлов комиссияси аъзоларининг имзолари ва комиссия муҳри билан тасдиқланади.

7. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада (10-илова) акс эттирилади. Баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа барча аъзолари томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади ва дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади. Баённома икки нусхада ва фақат битта қоғозда тузилади. Айрим ҳолларда у бир нечта қоғозда тузилиши мумкин, лекин бунда унинг ҳар бир қоғози мажлисда иштирок этган барча участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланиши керак.

Баённоманинг иккинчи нусхаси, сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчилар рўйхатлари, участка сайлов комиссиясининг қарорлари, муҳри, овозларни санаш чоғида ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхатлари ва бошқа сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар участка сайлов комиссияси раиси томонидан муҳрланган ҳолда, қўриқланадиган хонада (бинода) комиссия ўз фаолиятини тугатгунга қадар сақланади.

## X. Ҳужжатларни сақлаш ва топшириш тартиби

1. Сайлов участкасида жами сайлов ҳужжатларининг сақланиши учун жавобгарлик участка сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юклатилади. Сайлов бюллетенлари, варақалари, сайловчиларнинг рўйхатлари, муҳрлар, қоида тариқасида, темир сейфларда сақланади.

2. Участка сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари (сайлов бюллетенлари, варақалари, сайловчиларнинг рўйхатлари, мажлис баённомалари, шикоят ва аризалар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар) ва муҳрлари тегишли сайлов округидан сайланган депутат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин сақлаш учун туман ва шаҳар ҳокимликларига далолатнома асосида топширилади.

1-ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН

## С А Й Л О В Ч И Л А Р  Р Ў Й Х А Т И

№______________сайлов округи
(Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округнинг номи)

№_______________сайлов округи
(вилоят Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

**2004 й. 26 декабрь**

**№_________**

**САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

№___________________________сайлов округи
(туман Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

№___________________________сайлов округи
(шаҳар Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

________________________________________________________________

(сайлов участкаси жойлашган ер — қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳар, туман, вилоят, республика, мамлакат, ҳарбий қисм)

| Тартиб № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган санаси* | Яшаш жойи, манзили | Алоҳида белгилар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*) Сайлов куни 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган куни ва ойи кўрсатилсин.

1.1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН**

## С А Й Л О В Ч И Л А Р Р Ў Й Х А Т И

№______________сайлов округи
(Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округнинг номи)

№_______________сайлов округи
(вилоят Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

**2004 й. 26 декабрь**
**№_________**

**САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

№___________________________сайлов округи
(туман Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

№___________________________сайлов округи
(шаҳар Кенгашига сайлов бўйича округнинг номи)

___

(сайлов участкаси жойлашган ер — қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳар, туман, вилоят, республика, мамлакат, ҳарбий қисм)

| Тартиб № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган санаси* | Яшаш жойи манзили | Сайловчининг сайлов бюллетенларини олганлиги ҳақидаги имзоси | | | Сайлов варақаси берилган кун ва сайловчининг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Қонунчилик палатаси | Вилоят Кенгашига | Туман ёки шаҳар Кенгашига | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

*) Сайлов куни 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган куни ва ойи кўрсатилсин.

2-ИЛОВА

Участка
сайлов
комиссия-
сининг муҳри

(имзо)
(имзо)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатини сайлаш бўйича**

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

00-Наврўз сайлов округи — 2004 йил 26 декабрь

**Депутатликка номзодлар:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. АНТОНОВ Михаил Михайлович | 1936 й., «Адолат» партияси аъзоси, Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси |
| 2. БОТИРОВ Турсун Пўлатович | 1940 й., партиясиз, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси |
| 3. РАСУЛОВ Батир Ғуломович | 1946 й., Фидокорлар партияси аъзоси, Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош директори | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси |
| 4. УМАРОВ Ўктам Рўзиевич | 1940 й., Миллий тикланиш партияси аъзоси, Тошкент электротехника заводи директори | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи |
| 5. ФОЗИЛОВ Маҳмуд Маҳкамович | 1944 й., Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| 6. ҚОСИМОВ Толип Шукурович | 1949 й., Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Бекобод шаҳри, 15-ўрта мактаб директори | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.
Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзодларнинг фамилиялари қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

3-ИЛОВА

| **2004 й.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР КУНИ** | **26 декабрь** |
|---|---|---|

**Ҳурматли**___________________________________

Участка сайлов комиссияси Сизни 2004 йил 26 декабрда ўз конституциявий ҳуқуқингиздан фойдаланишга — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида иштирок этишга таклиф қилади.

**Участка сайлов комиссияси**

**Участка манзили:**_____________________________________________

________________________________________________________________

4-ИЛОВА

**Участка сайлов комиссияси жойлашган хона пештоқига қуйидаги матндаги лавҳа ўрнатилади:**

**Намуна:**

18-УЧАСТКА
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

**Овоз бериш ташкил этиладиган бинолар пештоқига қуйидаги матндаги лавҳа ўрнатилади:**

**Намуна:**

18-САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

2004 ЙИЛ
26
декабр
якшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ҲАМДА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН
ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ
ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ

Сайлов участкасига олиб борувчи йўлларга қуйидаги кўринишдаги кўрсаткичлар ўрнатилади,

**Намуна:**

**18-САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловидаги сайлов қутиларининг намуналари**

Стационар сайлов қутилари





Кўчма сайлов қутининг ўлчамлари



6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловидаги яширин овоз бериш хонасининг намунавий чизмаси**



7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловидаги яширин овоз бериш хонасининг намунавий чизмаси**



8-ИЛОВА

Участка
сайлов
комиссия-
сининг муҳри

(имзо)
(имзо)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатини сайлаш бўйича**

**САЙЛОВ ВАРАҚАСИ**

00-Наврўз сайлов округи — 2004 йил 26 декабрь

**Депутатликка номзодлар:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. АНТОНОВ Михаил Михайлович | 1936 й., «Адолат» партияси аъзоси, Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси |
| 2. БОТИРОВ Турсун Пўлатович | 1940 й., партиясиз, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси |
| 3. РАСУЛОВ Батир Ғуломович | 1946 й., Фидокорлар партияси аъзоси, Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош директори | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси |
| 4. УМАРОВ Ўктам Рўзиевич | 1940 й., Миллий тикланиш партияси аъзоси, Тошкент электротехника заводи директори | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи |
| 5. ФОЗИЛОВ Маҳмуд Маҳкамович | 1944 й., Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси |
| 6. ҚОСИМОВ Толип Шукурович | 1949 й., Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Бекобод шаҳри, 15-ўрта мактаб директори | Ўзбекистон Халқ демократик партияси |

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.
Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзодларнинг фамилиялари қолдирилган сайлов варақаси ҳақиқий эмас деб топилади.

9-ИЛОВА

# МАНДАТ

____________________________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи №____________________ сайлов округи бўйича кузатувчи

**Округ сайлов комиссиясининг**
**раиси**________ _______________________________________
(имзоси) (исм-шарифи ва фамилияси)

200__йил «___»_______________________
(рўйхатга олинган кун)

М. Ў.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади

10-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ**

200__ йил «___»________________
(сайлов санаси)

№__________________________________________**сайлов округи**______________**-сон сайлов участкаси**
(сайлов округининг тартиб рақами ва номи)
**бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги участка сайлов комиссиясининг**

# Б А Ё Н Н О М А С И

__________ -сон

________________________________________________________________
(сайлов участкасининг жойлашган манзили — маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча, туман, вилоят, республика, мамлакат, ҳарбий қисм)

Овозларни санаб чиқиш натижасида участка сайлов комиссияси қуйидагиларни аниқлади:

1. Сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг умумий сони
(сайловчиларнинг рўйхати бўйича аниқланади)________________________________________

2. Сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчилар сони
(сайлов бюллетенлари ва варақалари берилганлиги тўғрисида
сайловчилар рўйхатида қўйилган имзоларни санаш йўли билан аниқланади) ____________________

3. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сони
(сайлов қутиларидаги бюллетень ва варақаларни санаш йўли билан
аниқланади) ________________________________________________________________

| Депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (алифбо тартибида) | 4. Депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сони | 5. Депутатликка номзодга қарши берилган овозлар сони | Депутатликка номзодни кўрсатган органнинг номи |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

6. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақаларининг сони ________________

Бекор қилинган бюллетенлар ва варақаларнинг сони ______________________________
Округ сайлов комиссиясидан олинган бюллетенлар ва варақаларнинг сони ________________

**Комиссия раиси** ____________________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

**Комиссия раисининг ўринбосари** ______________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

**Комиссия котиби** ___________________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзо)

**К о м и с с и я а ъ з о л а р и:**

| | |
|---|---|
| ______________________ | ______________________ |
| (исм-шарифи ва фамилияси) (имзо) | (исм-шарифи ва фамилияси) (имзо) |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |
| ______________________ | ______________________ |

Баённома 200__ йил «____» __________ да тузилди. М.Ў.

Баённомага қуйидагилар илова қилинади: комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари (агар фикр билдирилган бўлса), овоз бериш ёки овозларни санаш чоғида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида комиссияга тушган аризалар, шикоятлар, комиссиянинг бундай аризалар, шикоятлар бўйича хулосалари; бекор қилинган бюллетенлар ва варақалар.

Баённома тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Баённоманинг иккинчи нусхасига қуйидагилар илова қилинади: сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ҳозир бўлган депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳамда матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАМДА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**
**Й Ў Р И Қ Н О М А**

Мазкур Йўриқнома «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Мазкур Йўриқнома амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссияларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига нисбатан татбиқ этилади.

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

2. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

3. Сайлов кампаниясини ўтказиш даврида молиялаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан (бундан буён матнда — МСК);

— округ ва участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов билан боғлиқ харажатлари — округ сайлов комиссиялари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали.

## II. Сайлов харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва тўлаш

4. МСК бюджет талабномасини тақдим этаётганда (башарти режалаштирилаётган йилда қонунчиликка мувофиқ сайлов мўлжалланган бўлса) Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини белгилайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджети асосий кўрсаткичларини тасдиқлаганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун тасдиқланган харажатлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотни МСКга етказади.

6. МСК тасдиқланган харажатлар ҳажмларига мувофиқ харажатлар сметасини ва алоҳида — сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришни ўз ичига олган МСКнинг марказлаштирилган харажатларига ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларига ҳисоб-китобларни тасдиқлайди.

7. МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганлигидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш харажатларини молиялаштириш жадвали тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— МСКга марказлаштирилган харажатларга, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга;

— Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатларига.

Сиёсий партияларнинг харажатларини молиялаштириш МСК томонидан амалга оширилади.

9. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

10. Сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари шу партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

11. Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

— сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида округ чиқишларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

— сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

12. Сайлов учун маблағларни қўйиш ва сарфлаш учун тегишли хизмат кўрсатадиган банкларда давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлаш 233-бўлими бўйича 23404 ҳисоб рақамлари (Республика бўйсунувидаги бюджет муассасалари маблағлари) қуйидагиларга очилади:

— Марказий сайлов комиссиясига;

— сиёсий партияларга, мазкур партиядан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда;

— Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига;

13. Олий Мажлисга сайлов кампаниясини молиялаштириш учун сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар МСКнинг 233-бўлим бўйича 23404-ҳисоб рақамига ёзиб қўйилади.

14. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағларни сарфлаш МСК қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

15. Харажатларнинг ҳақини тўлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари бухгалтерияларига хизмат кўрсатадиган банкларга вилоятдаги тегишли округ сайлов комиссиясининг қарори асосида тегишли округ сайлов комиссияси раиси (биринчи имзо) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимликнинг бош бухгалтери (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов топшириқлари тақдим этилади. Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимликларга хизмат кўрсатадиган банкларга белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг имзоси намуналари ҳамда МСКнинг комиссия шахсий таркиби бўйича қарорининг нусхаси тақдим этилади.

16. Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртача иш ҳақи тўлаш сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосининг асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан ўртача иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

17. Фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиқлари сайлов натижалари эътироф этилганлиги эълон қилинганидан сўнг беш кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади:

— МСКнинг марказлаштирилган харажатлари, шу жумладан, сиёсий партияларнинг фойдаланилмаган маблағларининг қолдиқлари бўйича — МСК томонидан;

— Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар молия бошқармалари орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар тегишли ҳокимликлари бухгалтериялари томонидан.

Сиёсий партиялар сайлов натижалари эътироф этилгани эълон қилинганидан сўнг уч кунлик муддатда фойданилмаган маблағлар қолдиқларини МСКнинг ҳисоб рақамига ўтказадилар.

18. Агар сайлов натижаларига кўра сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, МСК томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга ажратилган маблағларни сайлов натижалари эътироф қилинганидан сўнг уч ой мобайнида МСКга қайтариб бериши керак, МСК эса бир банк куни мобайнида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак.

## III. Ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик

19. Сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг 233-бўлими тегишли параграфига мувофиқ амалга оширилади.

20. Давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот сайлов натижалари эътироф этилганлиги эълон қилинганидан сўнг қуйидагича тақдим қилинади:

— МСК томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига алоҳида сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар ва сиёсий партияларнинг сайлов борасидаги харажатлари бўйича 30 кундан кечиктирмасдан;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бухгалтериялари томонидан тегишли ҳудуддаги ҳар бир округ миқёсида округ сайлов комиссиялари бўйича жамлама ҳисобот Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига 25 кундан кечиктирмасдан;

— сиёсий партиялар томонидан сайлов билан боғлиқ харажатларга ажратилган маблағлар бўйича — МСКга 20 кундан кечиктирмасдан.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари сайлов натижалари эътироф этилганлиги эълон қилинганидан сўнг 30 кундан кечиктирмасдан жамлама ҳисоботни Молия вазирлигига юборадилар.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича харажатлар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли бухгалтериялари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағларни сарфлаш тўғрисидаги ҳисоботлар илова қилинаётган шаклга биноан тузилади.

## IV. Маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош тафтиш-назорат бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар.

25. Тегишли сайлов комиссиялари раислари маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдирлар.

## V. Якуний қоидалар

26. Мазкур Йўриқнома қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги билан келишилган.

ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ҳ И С О Б О Т**

Минтақа ________________________________________________

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят

**Ўлчов бирлиги:** минг сўм

## 1-бўлим. Харажатлар

| Кўрсаткич | Сатр коди | Тасдиқланган | Ижро этилган |
|---|---|---|---|
| Олий мажлисга сайлов бўйича комиссияларнинг харажатлари | | | |
| Округ комиссияларининг: сони | 010 | | |
| Сумма | 020 | | |
| Участка комиссияларининг: сони | 030 | | |
| Сумма | 040 | | |
| Марказий сайлов комиссиясининг: | 050 | | |
| Шу жумладан | | | |
| Марказлаштирилган харажатлари | 060 | | |
| Сиёсий партияларнинг харажатлари | 070 | | |
| **Жами (020+040+050)** | **(080)** | | |

## 2-бўлим. Округ ва участка сайлов комиссиялари харажатларининг турлари бўйича сайлов ўтказишга харажатлар

| № | Кўрсаткич | Харажат коди | Сатр коди | Олий Мажлисга сайлов | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Округ сайлов комиссиялари | Участка сайлов комиссиялари |
| 1. | Асоссий ишидан озод этилган комиссия аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш — Жами: | 01—1—00 | 090 | | |
| | Шу жумладан:<br>— Раис<br>— Техник ходим | | <br>100<br>110 | | |
| 2. | Иш берувчиларнинг ажратмалари | 01—2—00 | | | |
| 3. | Хизмат сафари харажатлари | 01—3—00 | 130 | | |
| 4. | Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари харажатлари | 01—5—00 | 140 | | |
| 5. | Транспорт воситалари ва техникани сақлаш, уларнинг хизмат кўрсатиши ва ижараси харажатлари | 01—7—40 | 150 | | |
| 6. | Сақлаш, ижара, эксплуатацияга оид бошқа харажат | 01—7—90 | 160 | | |
| 7. | Сайлов бюллетенлари ва варақаларини тайёрлаш | 01—7—90 | 170 | | |
| | **Жами** | **00 0 00** | **180** | | |

Изоҳ: 2-бўлимдаги 4,5 устунлар натижалари тегишли равишда 1-бўлим 4-устунининг 020,040 — сатрларига тенг бўлиши керак.

**3-бўлим. Маблағларнинг ҳаракатланиши**

| № | Кўрсаткич | Сумма |
|---|---|---|
| 1 | Молиялаштирилган | |
| 2 | Касса харажати | |
| 3 | Фойдаланилмаган маблағларнинг қолдиғи | |
| 4 | Қайтарилган маблағларнинг суммаси | |
| 5 | Депозит ҳисоб рақамидаги қолдиқ | |

Сайлов комиссиясининг раиси (молия органининг бошлиғи:)___________________

Бош бухгалтер ___________________

200___ йил «_____»___________________

Изоҳ: Жамлама ҳисобот молия органи бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**
**Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини (бундан буён матнда Сенат аъзолари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида (бундан буён матнда депутатларнинг қўшма мажлислари деб юритилади) сайлаш тартибини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун депутатларнинг қўшма мажлислари ўтказилишини эълон қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳрида депутатларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

2. Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

3. Депутатларнинг қўшма мажлиси очилиши олдидан депутатлар рўйхатдан ўтадилар. Рўйхатдан ўтиш вақтида депутатлар — қўшма мажлис иштирокчилари ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Депутатларнинг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси иштирок этиши шарт.

4. Депутатларнинг қўшма мажлисини ёши энг улуғ депутатлардан бири очади ва унда раислик қилади.

Депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчилари мажлиснинг кун тартибини ва иш регламентини тасдиқлайдилар.

Депутатларнинг қўшма мажлиси кун тартибига Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала киритилади.

5. Депутатларнинг қўшма мажлиси ишини таъминлаш ва юритиш учун очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан уч кишидан беш кишигача миқдорда ишчи ҳайъати тузилади. Турли Кенгашлар депутатлари орасидан ҳайъат аъзолигига номзодлар раислик этувчи томонидан таклиф этилади.

Депутатлар ваколатини текшириш, тушган таклифларни ҳисобга олиш ва депутатларнинг қўшма мажлиси томонидан қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат котибият тузилади.

6. Депутатлар қўшма мажлисининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. Депутатларнинг қўшма мажлисида очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши (бундан буён матнда Оқсоқоллар кенгаши деб юритилади) сайланади. Оқсоқоллар кенгаши раис ва депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, ёши энг улуғ депутатлардан ва қоида тариқасида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг ҳар биридан бир вакилдан иборат таркибда сайланади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг мажлисида Оқсоқоллар кенгаши ўн бир кишигача бўлган таркибда сайланади.

Оқсоқоллар кенгаши давлат ва жамият фаолиятининг турли тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган, ўз сайловчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган энг обрўли депутатларни Сенат аъзолигига номзод этиб кўрсатади.

Яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун Оқсоқоллар кенгашининг Сенат аъзолигига номзодлар бўйича таклифи Оқсоқоллар кенгашининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади. Яширин овоз бериш бюллетенига камида олтита Сенат аъзолигига номзод киритилиши лозим.

Оқсоқоллар кенгашининг бир ёки бир нечта аъзоси Сенат аъзолигига номзод тариқасида кўрсатилган тақдирда ушбу Низомда белгиланган тартибда уларнинг ўрнига Оқсоқоллар кенгашига бошқа депутатлар сайланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов кунига қадар йигирма беш ёшга тўлган ва камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига номзод бўлиши мумкин.

9. Депутатларнинг қўшма мажлисида Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этувчи ҳар бир депутат Сенат аъзолигига номзодга саволлар бериш, номзодга нисбатан ўз фикрини баён этиш ҳуқуқига эга.

Сенат аъзолигига номзод овозга қўйилгунига қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин.

Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилганидан кейин уни яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Сенат аъзолигига номзодларни муҳокама қилиш депутатларнинг қўшма мажлиси қарорига биноан тугалланади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Сенат аъзолигига номзод яширин овоз бериш бюллетенига киритилган ҳисобланади.

10. Яширин овоз бериш бюллетенининг намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Бюллетенлар Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан чоп этилади.

Яширин овоз бериш бюллетенида уни тўлдириш тартиби ҳақида тушунтириш берилган бўлиши лозим. Бюллетень юз томонининг ўнг юқори бурчагида муҳр ва ҳисоблаш комиссиясининг камида икки нафар аъзосининг имзоси бўлиши керак.

11. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчилари орасидан тўққиз аъзодан, шу жумладан, комиссия раиси ва котибидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг Сенат аъзолигига сайлов бўйича саноқ комиссияси уч аъзодан иборат таркибда сайланади.

Саноқ комиссиясининг таркибига Сенат аъзолигига номзод киритилиши мумкин эмас.

Саноқ комиссияси:

Сенат аъзолигига сайлов бўйича овоз беришни ташкил қилади ва ўтказади;

— депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчиларига яширин овоз беришни ўтказиш вақти, жойи ва тартибини эълон қилади;

— яширин овоз бериш бюллетенларини уларга Сенат аъзолигига ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исмини алифбо тартибида киритиш йўли билан, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойини кўрсатган ҳолда тайёрлайди;

— овоз берувчиларнинг рўйхатини аниқлайди, уларга яширин овоз бериш бюллетенларини беради;

— яширин овоз бериш бюллетенларининг юз томонига муҳр қўяди ва яширин овоз бериш бюллетенида саноқ комиссиясининг аъзолари имзоси қўйилган бўлишини таъминлайди;

— овозларни санаб чиқади ва яширин овоз беришнинг натижалари тўғрисида баённома тузади;

— яширин овоз бериш натижаларини депутатларнинг қўшма мажлисига тасдиқлаш учун тақдим этади.

12. Яширин овоз бериш бошланишидан олдин саноқ комиссиясининг раиси овоз беришни ўтказиш тартибини эълон қилади, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини текширади ва муҳрлайди.

Сайлов қутиси унинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этувчи депутат саноқ комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга яширин овоз бериш бюллетени берилади.

Яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида ўзи қарши овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодлар фамилияларини ўчириш йўли билан тўлдирилади. Бунда у кўпи билан олтита фамилияни ўчирмасдан қолдириши керак.

Овоз берувчи тўлдирилган яширин овоз бериш бюллетенини кўринарли жойда туриши лозим бўлган сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тугаллангандан кейин, фойдаланилмаган, шунингдек, бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетенлари уларга махсус штамп қўйиш йўли билан бекор қилинади, шундан сўнг улар муҳрланади ва алоҳида сақланади.

13. Овозларни санаб чиқиш саноқ комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқланмагунга қадар танаффуссиз амалга оширилади.

Сайлов қутисидаги яширин овоз бериш бюллетенларига, асосан, саноқ комиссияси: овоз беришда иштирок этган депутатларнинг умумий сонини; Сенат аъзолигига ҳар

бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Белгиланмаган намунадаги яширин овоз бериш бюллетенлари, овоз бериш вақтида Сенат аъзолигига сайланиши лозим бўлган номзодлар миқдоридан ортиқ номзодлар фамилияси қолдирилган бюллетенлар, шунингдек, юз томонида муҳр ва саноқ комиссияси аъзоларининг имзоси бўлмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларининг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича депутатлар ана шу қўшма мажлисининг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённома тузилади. Мазкур баённома саноқ комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатиш киритилишига йўл қўйилмайди.

Саноқ комиссияси раисининг маърузасига кўра депутатларнинг қўшма мажлисида яширин овоз бериш натижаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, у депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов якунлари тўғрисидаги баённомасида акс эттирилади.

Депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов якунлари тўғрисидаги баённомаси икки нусхада тузилиб, раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатиш киритилишига йўл қўйилмайди.

14. Сайланган Сенат аъзоларини рўйхатдан ўтказиш учун депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов якунлари тўғрисидаги баённомаси икки кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов якунлари тўғрисидаги баённомасининг иккинчи нусхаси ва Сенат аъзолигига сайловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари архивларида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ ЎТКАЗИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда — Қонунчилик палатаси) сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, мустақил ташаббускор гуруҳларига Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

2. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

3. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқотини юритишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликка йўл қўйилмайди. Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Номзод депутат этиб сайланиши учун унинг номидан ташвиқотни ишончли вакиллар олиб боришлари мумкин.

4. Оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқоти ўтказиш учун тенг шароитлар яратадилар.

Даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа тегишли шароитлар яратишлари керак.

5. Оммавий ахборот воситалари ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боришлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим қилишлари керак.

## II. Давлат оммавий ахборот воситаларининг текин ажратиладиган эфир вақти, босма майдони

6. Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига текин ажратилади.

7. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радио эшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ажратиладиган текин эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 минутни ташкил қилади.

Давлат телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган текин эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошабинлар (тингловчилар) йиғиладиган) вақтига тўғри келиши керак. Ундан депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Чиқишларнинг кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади.

8. Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун текин ажратиладиган энг минимал босма майдон умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизини ташкил қилиши керак.

Текин ажратиладиган босма майдони умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида давлат даврий матбуот нашрларининг текин тақдим этиладиган босма майдонини тақсимлайди ва сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари текин эълон қилиниши муддатини белгилайди.

9. Депутатликка номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгиланган миқдор ва ҳажмда текин чиқиш ҳуқуқи берилади.

10. Сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳига ажратилган текин эфир вақти ёки босма майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи фойдаланиши мумкин эмас, номзоднинг ўз сиёсий партиясидан бошқа номзод учун ташвиқоти бундан мустасно.

## III. Оммавий ахборот воситаларининг ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдони

11. Давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки босма майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун текин ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги керак.

12. Нодавлат оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдони ажратишлари мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Кўрсатилаётган ахборот хизматларига ҳақ тўлаш тарифлари оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил белгиланади.

13. Сиёсий партиялардан номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирлари олиб борганликлари учун маблағлар белгиланган тартибда сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг ташвиқот фаолияти учун — тегишли округ сайлов комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун ҳақ тўлаш сиёсий партия ёки округ сайлов комиссиясининг тегишли ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

14. Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари редакциялари ва тегишли сиёсий партиялар, округ сайлов комиссиялари (сайловчилар ташаббускор гуруҳидан депутатликка номзодларнинг манфаатларида) ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

## IV. Эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган талаблар

15. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

16. Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши керак.

17. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

18. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳига нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли

билан устунлик беришга ҳақли эмас, сиёсий партиялар ёки депутатликка номзодлар томонидан таъсис этилган нашрлар бундан мустасно.

19. Оммавий ахборот воситасининг ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радиода чиқишлар ўтказиш даврида сайлов ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

## V. Якунловчи қоидалар

20. Оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, депутатликка номзоднинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишлари керак.

Депутатликка номзод таҳририятдан оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ишончли бўлмаган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли.

Мақола эълон қилиш натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган депутатликка номзод мазкур оммавий ахборот воситасида раддия эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб мазкур рукн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши керак.

Телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади.

Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, депутатликка номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

21. Сайлов кампанияси пайтида муассислари (кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишинча сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

22. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари зиммаларига юкланади.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА**
**Й Ў Р И Қ Н О М А**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига, асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Депутатликка номзоднинг хоҳишига кўра ишончли вакил бу миқдордан кам бўлиши мумкин, аммо кўп бўлишига йўл қўйилмайди. Ишончли вакилликка танланаётган шахснинг депутатликка номзоднинг ишончли вакили бўлишга розилиги олиниши шарт.

2. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин тегишли округ сайлов комиссиясига ишончли вакиллари ҳақидаги ёзма мурожаатнома (аризаси)ни топширади. Унда ҳар бир ишончли вакилнинг исми-шарифи, эгаллаб турган лавозими, иш жойи ва яшаш манзили кўрсатилиши зарур. Ишончли вакиллар депутатликка номзод рўйхатга олинган сайлов округида яшаётган ёки ишлаётган бўлиши шарт эмас.

3. Округ сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, бу махсус юритиладиган идора дафтарида тартиб рақами билан қайд этилади, уларга белгиланган намунадаги гувоҳнома беради. Ишончли вакиллар ушбу гувоҳномага эга бўлгач, номзод номидан фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ишончли вакил бирон-бир сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

4. Ишончли вакил этиб танланган шахс уни танлаган номзодга тарафдор бўлибгина қолмасдан, шу номзодга мухолиф бўлган бошқа номзодларга нисбатан ҳам адоватли муносабатда бўлмаслиги керак, уларнинг шаъни, обрўси, қадр-қиммати ва нуфузига путур етказувчи фикр-мулоҳазаларни тарқатмаслиги зарур. Бундан ташқари, ишончли вакиллар номзоднинг ҳуқуқ-манфаатларига зид келадиган ҳаракатларни содир этмасликлари лозим. Бундай ҳоллар юзага келганда ишончли вакил ўз ваколатидан депутатликка номзод ёки округ сайлов комиссияси томонидан маҳрум қилиниши мумкин.

5. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтида ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Бундай ҳолларда депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига ишончли вакилини ваколатидан маҳрум қилганлиги ва уни бошқаси билан алмаштирганлиги ҳақида ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиши лозим. Ишончли вакил ҳам истаган вақтида, номзодни огоҳлантирган ҳолда, ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

6. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар, сайлов-

чиларга номзодни яқиндан таништириш мақсадида аҳоли тўпланадиган ерларда, меҳнат жамоалари, яшаш жойларида номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти тўғрисида маълумот берадилар.

Округ ва участка сайлов комиссиялари номзодларнинг ишончли вакилларига тегишли сайлов округлари ва участкаларида сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларга монеъликсиз кириши ва унда қатнашишини таъминлайдилар. Ишончли вакиллар номзоднинг сайловолди тарғиботи билан боғлиқ тадбирларда эркин иштирок этадилар. Аммо уларнинг номзоднинг сайловолди дастурлари доирасидан четга чиқиши ман этилади.

Ишончли вакиллар депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этиш, зарур маълумот ва ахборот материалларини олиш билан боғлиқ бўлган ташкилий масалаларни ҳал этишда, улар номидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан иш олиб борадилар.

7. Ишончли вакиллар номзод номидан ташвиқот ишларини олиб боришда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларига ва Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган барча ҳужжатларга қатъий риоя қилишлари лозим. Ташвиқот ишлари ва бу борадаги ишончли вакилларнинг бошқа ҳаракатлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

8. Ишончли вакиллар томонидан ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек, пул маблағлари билан таъминлаш орқали олиб бориш тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди, ташвиқот билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш ман қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2004 йил 18 сентябрдаги
198-сон қарори билан
тасдиқланган

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАР ТЎПЛАШ ВА ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИНГ ТЎҒРИ ТЎЛДИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**
**Й Ў Р И Қ Н О М А**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар (бундан буён матнда — депутатликка номзод) кўрсатиш ҳуқуқига эга. Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузадилар.

2. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзоларини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари сиёсий партияларга сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) берилади.

3. Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияси (бундан буён матнда округ сайлов комиссияси деб юритилади) сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкаларини беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни

ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади.

4. Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги округ сайлов комиссияси томонидан текширилади.

Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

5. Сайлов комиссиялари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳларини тузадилар ва улар таркибига ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этишлари мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишчи гуруҳлари комиссиянинг қарори билан тузилади.

6. Қуйидаги имзолар ҳақиқий эмас деб топилади:

а) сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш гувоҳномаси берилган санага қадар имзо варақасига киритилган сайловчиларнинг имзолари ва Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилган кунга қадар сиёсий партия томонидан тўпланган имзолар;

б) имзо варақасига сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар сайловчиларнинг ўзи ёки сайловчилар имзоларини тўплаган шахс томонидан киритилмаган сайловчиларнинг имзолари;

в) тегишли сайлов округида сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг имзолари;

г) сайловчиларнинг имзо варақасига бирор-бир маълумотни кўрсатмасдан қўйилган ёхуд сайловчининг ўзи томонидан имзо қўйиш санасини кўрсатмасдан қўйган имзолари;

д) сайловчилар номидан бошқа шахс томонидан бажарилган имзолар;

е) сайловчиларнинг сайловчилар тўғрисидаги маълумотларда тузатишлар киритилган имзолари, агар бу тузатишлар сайловчи ёки имзо варақаларини тасдиқловчи шахслар томонидан қўшимча имзо билан тасдиқланмаган бўлса.

7. Текшириш учун имзо варақалари танлаш йўли билан ажратиб олинади.

Сайловчилар имзолари ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар зарур миқдорининг камида 15 фоизи текширувдан ўтказилади.

8. Агар сайловчиларнинг танлаб текшириш пайтида аниқланган ноаниқ ва ҳақиқий бўлмаган имзолари сони текширилиши керак бўлган сайловчилар имзолари умумий сонининг ўн фоизидан ортиқроғини ташкил этса, имзо варақаларини бундан буёғига текшириш тўхтатилади.

Агар сайловчиларнинг депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб тақдим этилган имзолари, бу имзолардан ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони чегириб ташланганда, уларнинг сони рўйхатга олиш учун етарли бўлмай қолган тақдирда ҳам текшириш тўхтатилади.

9. Текшириш учун ҳар бир сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган ҳар бир депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб тўпланган сайловчилар имзоларининг бир хилдаги сони ажратиб олинади.

10. Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирадилар, бунда уларнинг тўғри тўлдирилганига, йўл қўйилган тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар мавжудлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганлигига, ўхшаш имзолар, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берадилар.

Кўздан кечириш пайтида камчиликлари аниқланган ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

11. Ишчи гуруҳи имзо варақаларини текширишни ўтказаётган хонада сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳозир бўлиши мумкин. Бунинг учун Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси текшириш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига олдиндан маълум қилади.

12. Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган имзолари сони, сайловчиларнинг текширилган имзолари сони, сайловчиларнинг ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолари сони кўрсатилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг, округ сайлов комиссиясининг тегишли қарорига илова қилинади.

Қарор қабул қилинганидан кейин баённомага ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига берилади.

13. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни рад этади.

# КУЗАТУВЧИ ҚЎЛЛАНМАСИ

*Ушбу «Қўлланма « Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловнинг кўп сонли қатнашчиларига — кузатувчиларга, сайлов комиссиялари аъзоларига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинганлар, уларнинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва сайлов қонунчилиги билан қизиқадиган барча кишиларга мўлжалланган. «Қўлланма»да кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, фаолиятини тартибга солувчи сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари содда шаклда тушунтирилган, овоз беришнинг ўтказилиши, сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисида сайлов комиссияларининг баённомаларини тузиш устидан жамоатчилик назоратини қандай ташкил этиш ҳамда кузатувчиларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини қандай сўрашлари ва олишлари тушунтирилган.*

## Сайловларни кузатиш

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтади. Бу сайловни ўтказишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминловчи йўриқномалари ва низомлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатувини (назоратини) амалга ошириш учун имконият беради, бу сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигининг энг муҳим шартларидан биридир. Бундай ҳуқуқ сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчиларига, оммавий ахборот воситаларига, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига берилган.

Кузатувнинг вазифаси — сайлов тамойилларини, сайловчилар овозларини ҳисоблаб чиқиш тартибини, овоз бериш натижалари тўғрисидаги сайлов комиссиялари баённомаларини тўлдириш тартибини бузмаган ҳолда овоз беришни ҳалол ва адолатли ўтказишни таъминлашга кўмаклашишдир.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов комиссиялари тизими

Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни:
— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК);
— округ сайлов комиссиялари (ОСК);
— участка сайлов комиссиялари (УСК) амалга оширадилар.

Уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган. УСКнинг амалий ҳаракатлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сай-

ловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш ва ҳужжатларни сақлаш тартиби тўғрисида»ги Марказий сайлов комиссиясининг Йўриқномасида батафсил баён этилган.

Ушбу Қўлланманинг тавсиялари қайд этилган Йўриқномага мувофиқ бўлиб, у кузатувчига сайловни кузатиш жараёнида участка сайлов комиссияси билан ўзаро самаралироқ ҳамкорлик қилиш имконини беради.

## Кузатув даври тўғрисида

Кузатув овоз бериш куни (2004 йил 26 декабрда) участка сайлов комиссиясининг иш фаолияти бошланган вақтдан бошланади ва округ сайлов комиссияси овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомани қабул қилганлиги тўғрисидаги хабардан кейин тугалланади.

Ўз вазифаларини сифатлироқ бажариш мақсадида кузатувчига қуйидагилар керак бўлади:

— авторучка;
— ёзувлар учун ён дафтарча;
— тоза қоғоз варақлари;
— фото ва видео суратга олиш учун аппаратура;
— калькулятор;
— чўнтак фонари;
— овоз бериш якунлари тўғрисидаги участка сайлов комиссияси баённомаси бланкасининг нусхалари;
— уяли алоқа воситалари.

## Ким кузатувчи бўлиши мумкин

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси кузатувчи қилиб тайинланиши мумкин.

Рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳар бири кузатувчилар тайинлашга ҳақли.

Сайлов комиссияларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар, уларга бевосита бўйсунувчи шахслар, судьялар, прокурорлар кузатувчи қилиб тайинланишлари мумкин эмас.

Сиёсий партиялар ўз марказий органи тимсолида, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ўз кузатувчилари ҳақида сайловга қадар камида ўн беш кун қолганида округ сайлов комиссияларига маълум қиладилар. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ариза олганидан кейин беш кун мобайнида кузатувчи учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатни беради (1-илова).

Кузатувчи мандати кузатувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинганидагина ҳақиқийдир.

## Кузатувчининг ҳуқуқлари

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш.

2. Сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш.

3. Овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш.

4. Сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш.

5. Агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

**Кузатувчининг мажбуриятлари**

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

1. Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш.

2. Сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш.

3. Сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш.

4. Участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

**Кузатувчининг овоз бериш кунидаги фаолияти**

Сайлов комиссияси иш бошлаган пайтдан эътиборан кузатувчига сайлов участкасида, шу жумладан, ҳарбий қисм, касалхона, санаторий, дам олиш уйида, бошқа вақтинчалик бўлиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссияси биносига, шунингдек, овоз бериш биносига эркин кириш таъминланмоғи лозим.

Кузатувчи ўзи ишлаши керак бўлган округ ва участка сайлов комиссиясининг манзили ва телефонларини, бу комиссия раҳбарлари (комиссия раиси, раис ўринбосари ва котиби) фамилияларини олдиндан аниқлаб олиши зарур.

Овоз бериш куни кузатувчи участка сайлов комиссияси биносига вақтли (овоз бериш бошланишига қадар 15-20 дақиқа қолганида) келиши лозим. Участка сайлов комиссиясининг раиси, бошқа аъзолари билан танишиши ва уларга ўз ҳужжатларини кўрсатиши керак. Участка комиссияси раҳбарлари овоз бериш биноси очилгунига қадар ҳозир бўлган комиссия аъзолари, кузатувчиларнинг рўйхатини аниқлайдилар.

Кузатувчига тавсия: ўз ён дафтарчангизга комиссия томонидан маълум қилинадиган барча рақамлар ва бошқа маълумотларни ёзиб қўйинг. Овоз бериш биносида кечаётган воқеаларга берадиган ўз баҳоингизга боғлиқ тарзда бу воқеаларнинг аҳамиятига қараб ёзувлар қилиб боринг.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун участка сайлов комиссияси биносида, шунингдек, овоз бериш биносида айни бир вақтнинг

ўзида депутатликка номзодлар кўрсатган ҳар бир сиёсий партиядан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан икки ва ундан кўп кузатувчи бўлишига йўл қўймайди, шунинг учун ҳам кузатувчилар ўз ишларини шундай ташкил этишлари керакки, бунда улар ўз ваколатларини навбатма-навбат амалга оширишлари мумкин бўлсин.

Кузатувчи овоз бериш биносида бўлаётган воқеаларни кузатиш қулай бўлган жойларни билиши лозим.

Кузатувчи шуни билиши керакки, участка сайлов комиссиясининг раиси овоз беришни ташкил этиш, овозларни ҳисоблаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани тузиш билан боғлиқ барча масалаларга жавоб беради. Комиссия раисининг ўз ваколати доирасида берган фармойишлари овоз бериш биносида барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир.

2004 йил 26 декабрь куни эрталаб соат 6 да участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш биносини очиқ деб эълон қилади ҳамда комиссия аъзолари, кузатувчилар ва бошқа шахсларга кўчма ва стационар сайлов қутиларини тақдим этади. Кузатувчи бу қутиларнинг бўш эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим, шундан сўнг қутилар УСКнинг металл муҳри билан муҳрланади.

Шундан кейин, участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзоларига сайловчиларнинг рўйхатларини, комиссия икки аъзосининг имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқланган ҳамда чиқиб кетган номзодларнинг (улар чиқиб кетган тақдирда) фамилиялари ўчирилган ҳолда белгиланган намунадаги сайлов бюллетенларини тарқатади. УСК аъзолари сайлов бюллетенларини, шунингдек, сайловчиларнинг рўйхатлари тикилган дафтарларни олганлик учун қўл қўйишлари шарт. Шундан сўнг сайловчилар овоз беришга таклиф этилади.

Кузатувчи овоз бериш биносидаги жиҳозлар билан танишишга ва қуйидагиларга ишонч ҳосил этишга ҳақли:

— сайлов қутилари овоз берувчилар уларга яқинлашиб келганда албатта яширин овоз бериш кабинаси орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилганлигига;

— бюллетенлар бериладиган жой, яширин овоз бериш кабиналари ва овоз бериш қутилари айни бир вақтнинг ўзида комиссия аъзолари ва кузатувчиларнинг кўз ўнгида бўлишига;

— овоз бериш кабиналари ёритилган ва ёзув қуроллари — шарикли ручкалар билан таъминланган бўлишига;

— участка сайлов комиссияси ахборот стендида бюллетенга киритилган номзодлар ҳақидаги зарур ахборотлар бўлишига (стендга жойлаштириладиган материаллар рўйхати 2-иловада келтирилган).

Шунингдек, кузатувчи бюллетенлар, сайловчиларнинг рўйхатлари ва бошқа сайлов ҳужжатлари сақланиши учун сейф ёхуд металл қути мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилиши зарур.

## Овоз бериш биносида овоз беришнинг боришини кузатиш

Овоз бериш жараёнида кузатувчи сайловчилар рўйхатларига киритилган бюллетенларни сайловчиларга Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатганларидан кейин бериш тартибига риоя этилишини кузатади.

Ваколатли давлат органи томонидан берилган, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ҳарбий хизматчи гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар орган-

лари томонидан берилган белгиланган намунадаги маълумотнома) паспорт ўрнини босувчи ҳужжатдир.

Сайловчи битта бюллетень олади.

Бюллетенни олиш пайтида сайловчи уни олганлиги учун ўз қўли билан имзо қўяди.

Кузатувчи ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришини, бюллетенни кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган жойда тўлдиришини, бу ерда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйиб бўлмаслигини билиши лозим. Агар сайловчи бюллетенни олганлиги учун мустақил равишда имзо чека олмаса ва уни тўлдира олмаса, истиснога йўл қўйиш мумкин. Бундай ҳолда сайловчи комиссия аъзоси, рўйхатга олинган номзод, унинг ваколатли вакили ёки ишончли вакили ёхуд кузатувчи бўлмаган сайловчининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Сайловчи бюллетенни тўлдиришда хато қилдим деб ҳисоблаган тақдирда, у ўзига бюллетень берган УСК аъзосига янги бюллетень беришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли. Комиссия аъзоси янги бюллетень бериб, бу ҳақда сайловчилар рўйхатига белги қўяди ва имзо чекади.

**Кузатувчи қуйидагиларга, яъни:**

1. Сайловчиларга сайлов бюллетенларини беришга;
2. Сайловчи учун, шу жумладан, унинг илтимосига кўра сайлов бюллетенларини олиш учун имзо қўйишга;
3. Сайловчи учун, шу жумладан, унинг илтимосига кўра сайлов бюллетенини тўлдиришга;
4. Овоз беришнинг сир сақланишини бузувчи хатти-ҳаракатлар қилишга;
5. Сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов бюллетенларини ҳисоблаб чиқишда бевосита иштирок этишга;
6. Сайлов комиссияси ишига тўсқинлик қилувчи бирон-бир ҳаракатларни содир этишга;
7. Сайловчилар ўртасида сайловолди ташвиқотини олиб боришга;
8. Тегишли сайлов комиссиясининг қарорини қабул қилишда иштирок этишга ҳақли эмас.

Агар кузатувчи овоз беришнинг сир сақланишини бузса ёки сайловчиларнинг хоҳиш билдиришига таъсир кўрсатишга уриниб, бу билан қонунни бузса, у участка сайлов комиссияси қарорига биноан кузатувдан четлаштирилади ва овоз бериш биносидан чиқариб юборилади. Бундай ҳолда участка сайлов комиссияси ёзма шаклда асослантирилган қарор қабул қилиши лозим.

Кузатувчи сайловчининг тўлдирилган сайлов бюллетенини муҳрланган овоз бериш стационар сайлов қутисига ташлаётганлигини кўриши лозим. Қонун ҳужжатларида бюллетенларни тасарруф этишнинг бошқа вариантлари назарда тутилмаган. Стационар қутилар ҳар доим кузатувчининг кўз ўнгида бўлиши лозим, уларни овоз бериш тугагунига қадар бошқа жойга кўчириш ёки очишга йўл қўйилмайди.

Кузатувчи овоз бериш биносидаги вазиятни ўрганиши ва тезкорлик билан баҳолаб бориши зарур: у участка сайлов комиссияси раисидан сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш кабинасидан ташқарида тўлдириш ҳолларига йўл қўймасликни талаб қилиши; айни бир сайловчи ўз оиласи аъзоларининг ёхуд бошқа сайловчиларнинг паспортлари билан такрорий овоз бериши мумкин бўлган ҳолатларни диққат билан кузатиши керак.

Овоз бериш куни мобайнида участка комиссияси сайловчиларнинг сайловда қатнашиши тўғрисидаги ахборотни соат 10, 14, 16, 18 ва 20 даги ҳолати бўйича телефон орқали округ комиссиясига узатади, кузатувчи бу маълумотлар билан танишишга ҳақли.

Овоз бериш мобайнида кузатувчи участка сайлов комиссияси раисидан:

— округ сайлов комиссиясидан қанча овоз бериш бюллетени олинганлиги ва улар қандай сақланаётганлигини;

— сайловчилар оқими кўпайганда овоз беришни ўтказишда тўхталишларга йўл қўймаслик учун комиссиянинг иши қандай ташкил этилишини;

— сайловчиларнинг рўйхатларига доир ишлар қандай олиб борилаётганлигини, сайловчиларни рўйхатга киритмаслик ҳоллари бор-йўқлиги ва бунинг сабаблари нимадалигини, сайловчилар рўйхатда йўқликлари туфайли уларга овоз беришни рад қилиш ҳоллари бўлган-бўлмаганлигини;

— сайловчилардан шикоятлар тушганми-йўқми ва улар қандай ҳал этилганлигини аниқлаб олиши мумкин.

Овоз бериш биносига кириш ва чиқиш жойидаги вазият билан танишиш, ташвиқот ўтказилмаётганлигига, рўйхатга олинган номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, шунингдек ташкилотлар, агар уларнинг раҳбарлари мазкур шахслар бўлса, овоз беришда қатнашиш учун сайловчиларни олиб келишни (ташишни) ташкил этмаганликларига ишонч ҳосил қилиши керак бўлади.

Сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда кузатувчи қонунга асосланиб сайлов комиссияси раисининг эътиборини бу ҳолатга қаратиши ва қонун бузилишларининг олдини олишни талаб қилиши лозим, агар бунга жавоб бўлмаса, йўл қўйилган қонун бузилишлари ҳақида зудлик билан шикоят ёзиши ёки далолатнома тузиши зарур (3, 4-иловалар). Ҳужжат икки нусхада расмийлаштирилади ва унга икки нафар гувоҳ имзо чекиши шарт.

## Муддатидан олдин овоз беришнинг ўтказилишини кузатиш

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси 5-қисмига мувофиқ сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақалари сайлов участкаларига сайловга ўн беш кун қолганида олиб келинади. Сайловчига муддатидан олдин овоз бериш имконияти бериладиган узрли сабаблар қаторига таътил, хизмат сафари, меҳнат ва ўқув фаолияти режими, давлат ва жамоат вазифаларини бажариш, соғлиғининг ҳолати киради, бунинг оқибатида овоз бериш кунида бу шахс ўз яшаш жойида бўлмаслиги ва ўзи сайловчилар рўйхатига киритилган тегишли участкада участка сайлов комиссиясига кела олмаслиги мумкин.

Муддатидан олдин овоз беришни участка сайлов комиссиясининг камида икки аъзоси ўтказади. Тўлдирилган сайлов варақаси солинган конвертнинг елимланган жойига муддатидан олдин овоз беришни ўтказган икки нафар комиссия аъзосининг имзоси қўйилади, бу имзолар комиссиянинг муҳри, шунингдек, муддатидан олдин

овоз берган фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади. Сайлов варақаларидан сайлов кунида овоз бериш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Муддатидан олдин овоз беришда участка сайлов комиссиялари овоз беришнинг яширин бўлишини таъминлашлари, сайловчининг хоҳиш билдириши бузиб кўрсатилиши эҳтимоли истисно қилиниши лозим. Комиссиялар овоз бериш якунларини чиқариш ва сайлов натижаларини аниқлаш вақтида муддатидан олдин овоз берган сайловчилар овозларининг ҳисобга олинишини, сайлов варақаларининг бутлигини таъминлашлари шарт. Овоз бериш тугаллanganидан кейин сайлов қутиларини очиш олдидан қутиларга сайлов комиссияси аъзоларининг иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар ташланади.

Ҳамманинг танишиб чиқиши учун осиб қўйилган сайловчилар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган фуқароларнинг тегишли фамилиялари қаршисига «Муддатидан олдин овоз берди» деган белги қўйилади.

**Овоз бериш биносидан ташқарида овоз беришни кузатиш**

Ўзи сайловчилар рўйхатига киритиб қўйилган сайлов участкасининг овоз бериш биносига мустақил равишда кела олмайдиган (соғлиғининг ҳолати, ногиронлиги сабабли) сайловчига, унинг участка сайлов комиссиясига берилган мурожаатномасига биноан (бундай мурожаат ҳам ёзма, ҳам оғзаки бўлиши мумкин) овоз бериш биносидан ташқарида овоз бериш таъминланади. Унинг ҳузурига камида икки нафар комиссия аъзоси, шунингдек, хоҳиши бўлса, кузатувчилар борадилар. Комиссия раиси кўчма қути билан сайловчи ҳузурига боришга (чиқишга) қадар камида 30 дақиқа олдин овоз бериш биносидан ташқарида овоз беришга тайёргарлик кўрилаётганини эълон қилиши шарт.

Кузатувчи овоз бериш биносидан ташқарида овоз беришни ўтказиш учун жўнаб кетаётган участка сайлов комиссияси аъзолари муҳрланган кўчма қутини, уларга тилхат билан берилган зарур миқдордаги бюллетенларни, ёзув қуролларини олганликларини назорат қилиши керак.

Кузатувчи бинодан ташқарида овоз бериш бюллетени фақат шундай илтимос билан мурожаат қилган сайловчиларгагина берилаётганлигига гувоҳ бўлиши зарур.

Кўчма қутилар доимо овоз бериш биносидаги кузатувчиларнинг кўз ўнгида бўлиши лозим.

**Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқишга тайёргарликни текшириш**

Овозларни ҳисоблаб чиқиш олдидан участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш куни тузилган ҳужжатлар ва рўйхати комиссияда мавжуд бўлган, тўлдириш учун тайёр турган ҳужжатлар бланкаларининг (сайлов қонунчилигини бузганлик устидан тушган шикоятлар ва мурожаатларни ҳисобга олиш реестри, округ сайлов комиссияси бюллетенларни участка сайлов комиссиясига берганлиги тўғрисидаги далолатнома, сайловчиларнинг рўйхатлари ва ҳоказолар) бор-йўқлигини текшириши лозим.

Участка сайлов комиссияси раиси овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ҳамма нарса тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилгач, овоз бериш биносида бўлган барча сайловчилар овоз бериб бўлганларидан кейин, соат 20 да овоз бериш вақти тугаганлигини эълон қилиб, УСКнинг бундан кейинги ҳаракатлари тартибини маълум қилади ва

участка сайлов комиссияси аъзоларини овозларни ҳисоблаб чиқиш жараёнига киришишга таклиф этади.

Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқиш комиссия томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади, бунда комиссия аъзоларининг ҳаракатлари овоз бериш биносида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган юқори турувчи комиссиянинг аъзолари, шунингдек, депутатликка номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хорижий кузатувчилар иштирокида тўлиқ кузатиб борилиши таъминланмоғи лозим. Овозларни ҳисоблаб чиқиш натижалари эълон қилиниши ва овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомага киритилиши керак.

**Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқиш**

Соат 20.00 да участка сайлов комиссиясининг раиси сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқишда ҳозир бўлганларга УСК аъзоларининг бундан буёнги ҳаракатларининг умумий кетма-кетлигини эълон қилади.

Фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари ҳисоблаб чиқилади ва бекор қилинади (бюллетеннинг, варақанинг пастки чап қисми қирқилади ва алоҳида тўп қилиб тахланади).

Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқишда

участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан, комиссия раиси (раис ўринбосари) ва котибидан ташқари, ёзув қуролларидан фойдаланилиши тақиқланади.

Биринчи навбатда кўчма сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ҳисоблаб чиқилади. Бундан олдин кузатувчи қутилардаги муҳрларнинг (пломбаларнинг) бузилган-бузилмаганлигини текшириб кўриши мумкин. Кўчма сайлов қути очилади, овозларни бевосита ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган белгиланмаган шаклдаги сайлов бюллетенлари ажратиб олиниб, алоҳида тўпларга тахланади.

Кўчма сайлов қутиларининг барчаси очиб бўлинганидан кейин улардан олинган бюллетенларнинг сони қўшилади.

Стационар сайлов қутиларидаги муҳрларнинг бузилган-бузилмаганлиги текширилади, улар очилади, қутилардан олинган бюллетенлар кўчма қутилардан олинган бюллетенлар билан қўшилиб, алоҳида-алоҳида тўпларга сараланади. Қонунчилик палатасига сайлов билан бир қаторда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳам сайлов ўтказилаётганлигини эътиборга олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов бўйича сайлов бюллетенлари алоҳида-алоҳида тўпларга сараланади. УСК бюллетенлар алоҳида-алоҳида тўпларга сараланиб тахланганидан кейин уларнинг бутлиги ва айрим-айрим сақланишини таъминлаши шарт.

Кузатувчи саралашдан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайлов бўйича бюллетенлар тахланган тўпда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича бюллетенлар аралашиб қолган-қолмаганлигига ишонч ҳосил қилишга ҳақли.

Биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича овозлар ҳисоблаб чиқилади ва баённома тузилиб, у имзоланганидан кейингина УСК маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов бўйича овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомаларни тузишга киришишга ҳақли. Овозларнинг бир вақтнинг ўзида ҳисоблаб чиқилишига йўл қўйилмайди.

Бюллетенлар рўйхатга олинган номзодларнинг ҳар бири учун, барча номзодларга қарши берилган овозлар бўйича алоҳида-алоҳида тўпларга сараланади ва тахланади,

айни бир вақтда белгиланмаган шаклдаги бюллетенлар ва ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар алоҳида ажратилади.

Агар мазкур саралаш тартибига риоя этилмаса, кузатувчи зудлик билан шикоят ёзиб, уни УСК раисига топшириши зарур.

Барча сайлов қутиларида бўлган сайлов бюллетенлари ва варақаларининг сонини ҳисоблаб чиқиш ва жамлаш асосида овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сони аниқланади ва баённоманинг тегишли қаторига киритилади. Ҳақиқий бўлмаган қуйидаги бюллетенлар, яъни:

— номзодлардан бирортаси бўйича ҳам белги қўйилмаган;

— биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган;

— белгиланмаган намунадаги бюллетенлар ва варақалар;

— қўшимча равишда фуқароларнинг фамилиялари ёзилган бюллетенлар ҳисоблаб чиқилади ва жамланади.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларнинг умумий сони аниқланиб, баённоманинг тегишли қаторига киритилади.

Ҳар бир номзод учун ва ҳаммага қарши берилган овозлар бўйича ҳар бир тўпдаги алоҳида-алоҳида тарзда белгиланган шаклдаги сараланган сайлов бюллетенлари ҳисоблаб чиқилади. Турли тўплардаги сайлов бюллетенларини айни бир вақтнинг ўзида ҳисоблаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Олинган маълумотлар овоз бериш тўғрисидаги баённоманинг тегишли қаторига киритилади.

Сайлов якунларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани имзолаш олдидан участка сайлов комиссиясининг якуний мажлиси ўтказилиб, унда овоз бериш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтидаги қоидабузилишлар ҳақида тушган шикоятлар ва аризалар кўриб чиқилади.

Баённома икки нусхада тузилади ва участка сайлов комиссиясининг барча ҳозир бўлган аъзолари томонидан имзолаш санаси кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Баённомани қалам билан тўлдиришга ва унга бирор-бир ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

Кузатувчининг талабига биноан участка сайлов комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин баённома нусхасини унга бериши ёки баённома нусхасини тайёрлаш имкониятини яратиши ва уни тасдиқлаб бериши шарт. УСК баённома нусхасини берганлиги тўғрисидаги ҳолатни тегишли реестрда қайд этади. Кузатувчига баённома нусхасининг намунасини диққат билан ўрганиш таклиф этилади. Нусхани олган кузатувчи бу ҳақдаги реестрга имзо қўяди.

Баённома нусхасини беришда қуйидаги қоидаларга риоя этиш керак бўлади:

1. УСК овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин кузатувчининг талабига кўра ёки баённома нусхасини беради ёхуд кузатувчининг ўзига баённома нусхасини тайёрлаш имкониятини яратади ва уни тасдиқлаб беради.

2. Баённома нусхаси шакл ва мазмунига кўра баённоманинг асл нусхасига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак.

3. Баённома нусхаси УСК раиси томонидан, у бўлмаган тақдирда эса — раис ўринбосари ёки котиб томонидан баённома нусхасидаги маълумотларнинг УСК барча аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхасидаги маълумотларга мувофиқлиги текширилганидан кейингина тасдиқланади. Тасдиқланаётган ҳужжатнинг сиртига, унинг ўнг томонидаги юқори бур-

чагига «Нусха» деб, охирги бетининг охирига «Аслига тўғри» деб ёзиб қўйилади, тасдиқловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг УСКдаги вазифаси кўрсатилади, имзо, тасдиқлаш санаси ва вақти (соат, дақиқалар) қўйилади ҳамда УСК муҳри босилади.

4. Кузатувчига УСК баённомасидан нусха бериш ҳолати нусхалар бериш реестрида белгиланиб, унда кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади. Кузатувчи нусхани олганлиги учун реестрга имзо қўяди, УСКнинг такрорий баённомасини имзолаш учун УСК мажлиси ўтказилиб қолгудек бўлса, уни бу ҳақда хабардор қилиш имконияти мумкин бўлиши учун ўз алоқа телефонини реестрда кўрсатади.

5. Агар овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин УСК раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар кузатувчи талабига кўра унга баённома нусхасини бермаган ёки баённома нусхасини тайёрлаш ва тасдиқлатиш имконини яратмаган тақдирда, бу «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 7-қисмига хилоф бўлади, бундай ҳолда кузатувчи мазкур шахслардан ушбу модданинг нормасига зудлик билан риоя этишни талаб қилиши лозим.

Агар участка сайлов комиссияси, шунингдек, кузатувчи иштирок этган округ сайлов комиссияси раҳбарлари ушбу вазифани бажаришдан бош тортсалар, кузатувчи мазкур комиссияга сайлов комиссияси мансабдор шахсининг ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиши ва бу мурожаатнинг коллегиал тарзда кўриб чиқилишини талаб этиши ёхуд овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома нусхасини беришни рад қилганликлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги участка сайлов комиссияси баённомасининг биринчи нусхаси имзоланиб, унинг тасдиқланган нусхалари берилганидан кейин у зудлик билан тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади ва участка сайлов комиссиясига қайтарилмаслиги лозим.

Баённоманинг иккинчи нусхаси, сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчилар рўйхатлари, участка сайлов комиссиясининг қарорлари, муҳри, овозларни санаш чоғида ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхатлари ва бошқа сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар участка сайлов комиссияси раиси томонидан муҳрланган ҳолда, қўриқланадиган хонада (бинода) комиссия ўз фаолиятини тугатгунга қадар сақланади.

Сайлов участкасида жами сайлов ҳужжатларининг сақланиши учун жавобгарлик участка сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юклатилади. Сайлов бюллетенлари, варақалари, сайловчиларнинг рўйхатлари, муҳрлар, қоида тариқасида, темир сейфларда сақланади.

Участка сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари (сайлов бюллетенлари, варақалари, сайловчиларнинг рўйхатлари, мажлис баённомалари, шикоят ва аризалар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар) ва муҳрлари тегишли сайлов округидан сайланган депутат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин сақлаш учун туман ва шаҳар ҳокимликларига далолатнома асосида топширилади.

Агар УСК овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома имзоланганидан ва у округ сайлов комиссиясига юборилганидан кейин баённомада ноаниқликлар (хато ёзиш, нотўғри ёзиш, маълумотларни қўшишда хато) борлигини аниқласа ёхуд баённома-

нинг тўғри тузилганлигини округ комиссияси томонидан дастлабки текшириш пайтида ноаниқликлар аниқланган бўлса, УСК баённомага тузатишлар киритиши ва такрорий баённома тузиш тўғрисидаги масалани ўз мажлисида кўриб чиқиши шарт. Комиссия ушбу УСКнинг мажлиси тўғрисида мажбурий тартибда кузатувчини хабардор қилиши лозим.

Бундай ҳолда участка сайлов комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани икки нусхада тузади, унга «Такрорий» деган белги қўяди ва унинг нусхасини кузатувчига беради.

**Округ сайлов комиссиясида овоз бериш якунларини аниқлаш**

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги УСК баённомаларидаги маълумотлар асосида округ комиссияси бу баённомалардаги маълумотларни жамлаш йўли билан тегишли ҳудуддаги овоз бериш якунларини аниқлайди.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги УСК баённомаларининг биринчи нусхалари участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари томонидан округ комиссиясига олиб борилади. Сайлов ҳужжатларини ташувчи транспорт воситаларини кузатиб бориш ва қўриқлашни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таъминлайдилар. Участка сайлов комиссияларининг баённомалари округ сайлов комиссияларига топширилаётганда ушбу УСКга тайинланган кузатувчилар иштирок этишга ҳақли.

УСК баённомаларини қабул қилиш бир хонада ўтказилиши керак, округ комиссияси аъзоларининг бу баённомалардаги маълумотларни жамлаш бўйича барча ҳаракатлари кузатувчиларнинг кўз ўнгида бўлиши зарур.

Баённома УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан округ комиссиясининг аъзосига топширилади, бу аъзо эса баённома тўғри тўлдирилганлиги ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади.

Агар УСК баённомаси тўғри расмийлаштирилган деб ҳисобланса, баённомани қабул қилган округ сайлов комиссиясининг аъзоси баённоманинг топширилган вақтини реестрда қайд этади ва бу ҳақда округ сайлов комиссияси раисини хабардор қилади.

Агар овоз бериш якунлари тўғрисидаги участка сайлов комиссияси баённомаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли йўриқномаси талабларини бузган ҳолда тузилган бўлса, участка сайлов комиссияси такрорий баённома тузиши шарт. Бу баённомага «Такрорий» деган белги қўйилиб, округ сайлов комиссиясига етказиб берилади.

Участка сайлов комиссиясининг такрорий баённомаси билан бундан кейинги олиб бориладиган ишлар тартиби дастлабки баённома билан олиб бориладиган ишлар тартибига ўхшашдир.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомада хатолар, номувофиқликлар аниқланганда ёки УСК баённомасининг тўғри тузилганлигига шубҳа туғилганда округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг овозларини такрорий ҳисоблаб чиқишни ўтказиш тўғрисида ёхуд тегишли сайлов участкасида сайловчиларнинг овозларини такрорий ҳисоблаб чиқишни мустақил равишда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, бундай ҳисоблаб чиқиш ОСК баённомасини тузгунга қадар ўтказилади.

Овоз бериш якунларига кўра округ сайлов комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида икки нусхада баённома тузади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомани имзолаш учун округ сайлов комиссияси якуний мажлисни ўтказади, унда УСК аъзоларининг алоҳида фикрлари, участка сайлов комиссиялари баённомаларига илова қилинган ҳужжатлар, УСК-нинг шикоятлар бўйича қарорлари, шунингдек, округ сайлов комиссиясига тушган шикоятлар кўриб чиқилади. Округ комиссияси сайлов қонунчилиги бузилганлигига доир аниқланган ҳолатлар юзасидан қарор қабул қилади ва бу тўғрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга ҳақли. Шундан сўнг овоз бериш якунлари тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва округ сайлов комиссиясининг баённомаси имзоланади.

Округ сайлов комиссиясининг овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомаси имзоланганидан кейин унинг матни дарҳол факс орқали Марказий сайлов комиссиясига узатилади.

Округ сайлов комиссияси баённомасининг биринчи нусхаси унга қўшиб қўйилган УСК ҳужжатлари ва баённомалари билан бирга округ сайлов комиссиясининг раиси томонидан Тошкент шаҳрига олиб борилади ва шахсан Марказий сайлов комиссияси Котибига топширилади. Иккинчи нусха танишиб чиқиш ва қонунда белгиланган тартибда тасдиқланадиган нусхалар олиш учун округ сайлов комиссиясида қолдирилади.

**Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланиши**

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида:

1. Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сонини.
2. Сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини.
3. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини.
4. Ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини.
5. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик сабабли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий деб топилиши мумкин эканлиги инобатга олинган ҳолда бу натижалар Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қилади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхатини депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

* * *

Кузатувчи ўз ишини тугатганидан кейин бўлиб ўтган сайлов, сайлов қонунчилигига қанчалик мувофиқ бўлганлиги тўғрисидаги ўз таассуротлари ва хулосалари баён этилган қисқача ҳисобот тайёрлаши керак. Бунда кузатувчининг баҳолари аниқ далилларга асосланмоғи лозим.

1-ИЛОВА

# МАНДАТ

______________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи______________________________сайлов округи бўйича кузатувчи**

**Округ сайлов комиссиясининг раиси**__________ ____________________

(имзоси) (исм-шарифи ва фамилияси)

200__йил «____»____________________

(рўйхатга олинган кун)

М. П.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади

2-ИЛОВА

## Овоз бериш биносидаги ёки унинг олдидаги ахборот стендига жойлаштириладиган материаллар рўйхати

Участка сайлов комиссиялари стендга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган плакатларни жойлаштиради. Плакатларда сайлов бюллетенига киритилган барча номзодлар тўғрисидаги ахборот — номзодларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар, депутатликка номзод ким томонидан кўрсатилганлиги қайд этилган бўлади.

Стендга рўйхатга олинган номзодларнинг фамилияларидан бошқа фамилиялар ёзиб тўлдирилган, уларни номзод қилиб кўрсатган сиёсий партияларнинг номлари кўрсатилмаган сайлов бюллетенининг намунаси, шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатларидан кўчирмалар жойлаштирилади.

3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатасига сайлов бўйича _________ _____ -сон сайлов округи
__-сон участка сайлов комиссиясининг раисига

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг бузилганлиги тўғрисида**
**Ш И К О Я Т**

Биз, қуйида имзоловчилар шуни маълум қиламизки, 2004 йил 26 декабрь куни овоз бериш жараёнида (овоз бериш натижаларига якун чиқариш пайтида) _______ -сонли сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун бузилишига йўл қўйилди, бу қуйидагиларда намоён бўлди:

______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________

Юқорида баён этилганларни маълум қилар эканмиз, участка сайлов комиссиясидан қонун бузилишларига чек қўйиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан тезлик билан чора-тадбирлар кўришни сўраймиз. Акс ҳолда бундай қонунбузилишлар ушбу сайлов участкасида овоз бериш якунларининг ҳаққонийлигини шубҳа остига қўйиши мумкин.

Кузатувчи:

Ф.И.О. имзо

Кузатувчи:

Ф.И.О. имзо

Кузатувчи:

Ф.И.О. имзо

2004 йил «___» _____ соат___ дан ___дақиқа ўтганида тўлдирилди.

4-ИЛОВА

____-сон_______________ сайлов округининг
____ -сон сайлов участкасида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш пайтида сайлов қонунчилигининг бузилганлиги тўғрисида**
**ДАЛОЛАТНОМА**

Биз, қуйида имзоловчилар,

1. (сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан) тайинланган кузатувчи

(кузатувчининг Ф.И.О.) яшаш жойи манзили

2. Сайловчи (Ф.И.О.) яшаш жойи манзили
3. Сайловчи (Ф.И.О.) яшаш жойи манзили

гувоҳлик берамизки, 2004 йил 26 декабрь куни соат ___ дан _______дақиқа ўтганида___________ ___ -сон сайлов округининг _______-сон сайлов участкасида қуйидаги қонун бузилишларига йўл қўйилди:

________________________________________________________________________
________________________________________________________________________
________________________________________________________________________
________________________________________________________________________
________________________________________________________________________

Ушбу Далолатнома бизнинг иштирокимизда тузилиб 2004 йил 26 декабрь куни соат _________ дан ____дақиқа ўтганида биз томонимиздан имзоланди.

Имзолар:

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг**
**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ САЙЛОВИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРНИНГ НАМУНА ВА ШАКЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир қуйидаги ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тасдиқлансин (илова қилинади):

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси раисининг гувоҳномаси;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияси раисининг гувоҳномаси;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган сиёсий партияни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақаси;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тузиладиган сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларини рўйхати;
5. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақаси;
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакилининг гувоҳномаси;
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳининг тақдим этган ҳужжатлари юзасидан округ сайлов комиссиясининг баённомаси;
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг гувоҳномаси;
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг ҳисоб карточкаси;
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг ишончли вакили гувоҳномаси;
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашаётган маҳаллий кузатувчининг мандати;
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган сайловчилар рўйхати;
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиясининг баённомаси;
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиясининг баённомасидан кўчирма;
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг баённомаси;

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг баённомасидан кўчирма;

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вақтинчалик гувоҳномаси;

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга таклифнома.

**Марказий сайлов комиссиясининг**
**Раиси** **Б.МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 18 сентябрь.*

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 11-моддаси

# Г У В О Ҳ Н О М А

______________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи № ______ ___________________________ округ сайлов комиссиясининг раиси**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов**
**комиссиясининг раиси** ______ ____________________
(имзоси) (исм-шарифи ва фамилияси)

200 йил «____» ____________________
(қарор қабул қилинган кун) М.Ў.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқий деб ҳисобланади.

ОБРАЗЕЦ

Ст. 11 Закона
«О выборах в Олий Мажлис
Республики Узбекистан»

# У Д О С Т О В Е Р Е Н И Е

______________________________________
(фамилия, имя, отчество)

**Председатель ___________________________ окружной избирательной комиссии № _________ по выборам депутатов в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан**

**Председатель Центральной**
**избирательной комиссии**
**Республики Узбекистан** _______ ____________________
(подпись) (фамилия и инициалы)

«_____» ____________________ 200 года
(дата принятия решения) М.П.

Действительно по предъявлению документа, удостоверяющего личность.

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 11-моддаси

# Г У В О Ҳ Н О М А

__________________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи № ___________ ______________________сайлов округининг №______участка сайлов комиссиясининг раиси**

**Округ сайлов**
**комиссиясининг раиси** _________ _________________________
(имзоси) (исм-шарифи ва фамилияси)

200 йил «______» ________________________
(қарор қабул қилинган кун)

М.Ў.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқий деб ҳисобланади.

ОБРАЗЕЦ

Ст. 11 Закона
«О выборах в Олий Мажлис
Республики Узбекистан»

# У Д О С Т О В Е Р Е Н И Е

__________________________________________
(фамилия, имя, отчество)

**Председатель участковой избирательной комиссии №____________________ ___________________________ избирательного округа № __________по выборам в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан**

**Председатель окружной**
**избирательной комиссии** ________ _________________________
(подпись) (фамилия и инициалы)

«______» _______________________ 200 года
(дата принятия решения)

М.П.

Действительно по предъявлению документа, удостоверяющего личность.

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 20-моддаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида ___________________________иштирок этишини қўллаб -қувватловчи сайловчиларнинг**

(сиёсий партиянинг номи)

## ИМЗО ВАРАҚАСИ

_______________________________________________

(маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча, шаҳар, туман

_______________________________________________

вилоят, республиканинг номланиши)

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили (ёши 18 да бўлса, туғилган куни ва ойи) | Яшаш жойи манзили | Паспортининг серияси ва тартиб рақами | Шахсий имзоси ва имзоси қўйилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили (ёши 18 да бўлса, туғилган куни ва ойи) | Яшаш жойи манзили | Паспортининг серияси ва тартиб рақами | Шахсий имзоси ва имзоси қўйилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Тўпланган имзоларнинг умумий сони_________**
**Сайловчиларнинг имзоларини тасдиқлайман:**

______________________________________________________________________________
(имзо тўплаган масъул шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси)

______________________________________**паспорт серияси**_________**№**______________

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 23-моддаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ**

______________________________________________ сайлов округи бўйича
(сайлов округининг тартиб рақами ва номланиши)

______________________________**ни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси**
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**депутатлигига номзод этиб кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг**

**Р Ў Й Х А Т И**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган санаси | Яшаш жойи манзили | Паспортининг серияси ва тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили**_____________ ______________________________
(имзоси) (фамилияси ва исми-шарифи)

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 23-моддаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ**

**200 йил «___»_________да_______________________________________сайлов округидан**
(сайлов округининг тартиб рақами ва номланиши)
**рўйхатга олинган сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган____________________**
(фамилияси, исми, отасининг исми,
**___________________________________________________________________________ни қўл-**
туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги
**лаб-қувватловчи сайловчиларнинг**

**ИМЗО ВАРАҚАСИ**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили (ёши 18 да бўлса, туғилган куни ва ойи) | Яшаш жойи манзили | Паспортининг серияси ва тартиб рақами | Шахсий имзоси ва имзоси қўйилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили (ёши 18 да бўлса, туғилган куни ва ойи) | Яшаш жойи манзили | Паспортининг серияси ва тартиб рақами | Шахсий имзоси ва имзоси қўйилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Сайловчилар ташаббускор**
**гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси**________________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи манзили)
**Паспорт серияси**_______**№**_________________

**Сайловчилар**
**ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили**________________________________
(фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи манзили)
**Паспорт серияси**_______**№**_________________

НАМУНА

«Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги
Қонуннинг 23-моддаси

# Г У В О Ҳ Н О М А

______________________________________________
(ваколатли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига____________________________________________нг**
(депутатликка номзоди кўрсатилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)
**номзодини кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳисобланади. Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи №__________ округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган.**

**Округ сайлов комиссиясининг раиси** ______________ ____________________
М. Ў. (имзоси) (исм-шарифи ва фамилияси)

